

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ОИЛА ПСИХОЛОГИЯСИ”
модули бўйича**

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

**Касбий қайта тайёрлаш
йўналиши:**

**Тингловчилар
контингенти:**

**Мактабгача таълим муассасаси
амалиётчи психологилари**

**Олий таълим муассасаларини
педагогика ва гуманитар таълим
сохалари таркибидаги таълим
йўналишларини битирган
мутахассислар**

Тошкент – 2018

**ЎЗБЕКИСТОНРЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ОИЛА ПСИХОЛОГИЯСИ”
модули бўйича
Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

Тошкент – 2018

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлигининг 11-қ-қ, 1-қ-қ қарори билан тасдиқланган Мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари касбий қайта тайёрлаш курсининг ўқув режаси асосида тайёрланди.

Тузувчи:

Н.А.Ғайибова– Психология ўқув-илмий Маркази, “Ривожлантириш психологияси” лабораторияси бош илмий ходими.

Такризчилар:

Б.М.Ботиров – Психология ўқув-илмий Маркази, “Шахс ва шахслараро муносабатлар” лабораторияси мудири, пс.ф.номзоди
З.Расулова – ТИУ, “Психология ва фалсафий фанлар” кафедраси мудири

Ушбу ўқув-услубий мажмуа Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Кенгашининг 2018 йил 16 февралдаги 6/1-сонли йиғилишида маъқулланган ва нашрга тавсия этилган

МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур.....	5
II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.....	12
III. Назарий материаллар.....	20
IV. Амалий машғулот материаллари.....	47
V. Кейслар банки.....	59
VI. Мустақил таълим мавзулари.....	63
VII. Глоссарий.....	65
VIII. Адабиётлар рўйхати.....	69

ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сонли қарори (29.12.2016 й.) “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3276 - сонли қарори (15.09.2017й). “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3261 -сонли қарори (09.09.2017 й) “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3305-сонли қарори (30.09.2017 й.) “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5198-сонли Фармони (30.09.2017 й.) қабул қилинди.

Қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар мактабгача таълим муассасаларида илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш шароитларини яратиш; мактабгача таълим сифатини ошириш, мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактабга сифатли тайёрлашни тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш имкониятини яратади.

Ота-она ва болалар муносабатлари психокоррекцияси Оила психологияси замонга хос тарзда янги билимлар билан жадал ривожланиб бораётган, жамият тараққиёти ва маънавий барқарорлик учун керак бўлган илмий фаннинг амалий соҳасидир. Шундай экан, бўлажак мактабгача таълим психологларнинг ўз фаолиятларида оилавий ҳаёт ва ундаги мураккаб ўзаро муносабатларнинг қонуниятлари, механизмлари ва оилага психологик хизмат кўрсатиш масалалари тўғрисида билим, малакага эга бўлиши муҳим саналади.

Мазкур дастурда оиланинг ҳозирги кунгача бўлган даври, оиланинг вазифалари, оилавий муносабатлар динамикаси, эр-хотин муносабатларининг фарзанд тарбиясига таъсири, низоли вазиятлар ва уларни бартараф этиш йўллари, ота-она ва фарзандлар муносабатлари, фарзандлар ўзаро муносабатлари тўғрисидаги маълумотлар ўз аксини топган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулнинг мақсади: тингловчиларда оила психологиясига оид тушунчалар ва муаммолар, оиладаги шахслараро муносабатлар хусусиятлари, шунингдек, оилага психологик хизмат кўрсатиш хусусидаги тасаввурлар тизимини шакллантиришдан иборат.

Модулнинг вазифалари:

- оила психологияси ҳақида назарий билимларни бериш;
- оиланинг психологик хусусиятлари таълимотлари билан таништириш;
- оиладаги шахслараро муносабатлар ҳақида илмий билимлар бериш;
- тингловчиларда оилавий муносабатларни диагностика қилиш ҳамда психологик консультация ишларини ташкил этиш бўйича кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш;

Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**Тингловчи:**

– Оиланинг кичик гуруҳ сифатида хусусиятлари; оила типлари ва замонавий оиланинг асосий категориялари, уларнинг хусусиятлари ҳақида; оила тузилмаси ва динамикаси, оиладаги ўзаро муносабатлар тузилмаси, эр-хотин ва ота-оналар ҳамда фарзандлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, оила ривожланишини давраштириш ҳамда оила диагностикаси ва консультацияси ҳақида **билимларга эга бўлиши;**

Тингловчи:

– Оилавий муносабатлар хусусиятларининг ўзига хослигини, турли назарий ёндашувларда оилавий муносабатлар табиати ва қонуниятларининг таҳлилини, оиланинг ҳаётий цикли, ота-она ва фарзандлар, фарзандлар ўзаро муносабатларини ўрганиш методларини қўллаш **кўникмаларига эга бўлиши;**

Тингловчи:

- Оилада эр-хотин муносабатлари, ота-она ва фарзанд муносабатларини тадқиқ этиш; ота ва она билан фарзанд муносабатларини баҳолаш; оилада фарзанд туғилиши ва унинг шахслилик хусусиятларини тушунтириш; ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатларни таҳлис қилиш **малакаларига эга бўлиши керак;**

Тингловчи:

- Оилавий муносабатларни самарали ташкил этиш бўйича;
- тарбиячи ва тарбияланувчилар, уларнинг ота-оналари билан шахслараро муносабатларини ташкил этиш ва бошқариш;
- тарбияланувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш ва мулоқотга йўналтириш **компетенцияларини эгаллаши лозим.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

Оила психологияси модули назарий ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Назарий дарс-машғулотларида оила психологияси фанининг предмети, вазифалари, оила ва унинг замонавий моделлари, оила структураси ва унинг бузилиши, оила кичик гуруҳ сифатида, оилавий муносабатлар динамикаси, ота-она ва фарзандлар муносабатлари, оиладаги инқирозлар ва уларнинг оқибатлари, оилавий зиддиятларнинг эр-хотин ва фарзандлар тақдирига таъсири кабиласалалар ҳақида маълумотлар берилади.

Амалий машғулотларда ижтимоий психологик метод ва

методикаларнинг қўлланилиши, социометрия ва бошқа диагностик методикаларни қўллаш ўргатилади.

Машғулотларда техник воситалардан, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш ва бошқа интерфаол таълим усулларида фойдаланиш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Оила психологияси фани ўқув режадаги туркум фанлар, жумладан умумий психология, оила психологияси, умумий психодиагностика, онтогенез психологияси фанлари билан яқин муносабатда бўлади. Шунингдек, бу фанларнинг маълумотларига таянади ва ўз маълумотлари асосида улардан олинган билимларни чуқурлаштиради.

Модулнинг услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Мазкур модул — “Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг ҳукукий-меъёрий асослари” блокларидан кейин, “Умумий психология”, “Онтогенез психологияси ва дифференциал психология”, “Умумий психодиагностика” ҳамда “Ижтимоий психология” фанлари билан мувофиқ кетма-кетликда ўрганилади. Унда юқоридаги блокларда ўрганилган мазмун йўналишлари ва услубий жиҳатларини мактабгача таълимга татбиқ этиш имкониятлари очиқ берилади.

Модулнинг таълимдаги ўрни

Оилавий муносабатлар ва уларнинг хусусиятларини билиш ҳар бир фуқаро учун муҳим бўлган бир даврда оила муаммоларининг диагностикаси ва коррекцияси масалалари билан шуғулланиши лозим бўлган амалиётчи психологлар учун “Оила психологияси” модулининг аҳамияти ниҳоятда каттадир.

Модул бўйича соатлар тақсимооти

№	МАВЗУЛАР	Ҳаммаси	Жами ўқув юкламаси	Жумладан			Мустақил таълим
				Маъруза	Амалий машғулот	Қучма машғулот	
1.	Оила психологияси фанининг предмети, вазифалари	4	2	2		-	2
2.	Оилавий муносабатлар психологияси	4	4	2		-	2
3.	Оиладаги инқирозлар ва уларнинг оқибатлари	4	2	2		-	2
4.	Оилавий кадриятлар, ролли муносабатларни урганиш.	2	2		2	-	
5.	Оила психодиагностикасида сўровномалардан фойдаланиш	2	2		4	-	

6.	Оила социограммаси	4	2		2	-	
	Жами	20	14	6	8	-	6

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Оила психологияси фанининг предмети, вазифалари (2 соат).

Оила психологиясининг тарихи. Оила психологияси фанининг предмети, вазифалари. Оила ва унинг замонавий моделлари. Оила структураси ва унинг бузилиши. Оила кичик гуруҳ сифатида. Оилавий муносабатлар динамикаси. Оила ичидаги ўзаро муносабатлар психологияси.

2-мавзу: Оилавий муносабатлар психологияси (2 соат).

Эр ва хотин уртасидаги муносабатлар хусусиятлари ва динамикаси. Ота-она ва фарзандлар муносабатлари, сиблинг муносабатларнинг ўзига хослиги. Ёш оилада мослашув муаммоси. Оилавий низо турлари: эр-хотин, қайнона-келин, қайнона-куёв, овсинлар ўртасидаги, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги низо. Оила ҳаёт фаолиятининг бузилиши.

3-мавзу: Оиладаги инқирозлар ва уларнинг оқибатлари (2 соат).

Ҳаётий қийин вазиятлардаги оила. Оилавий стресс ва копинг тушунчалари. Оиладаги инқирозлар ва уларнинг оқибатлари. Оилавий муносабатлар бузилиши ва уларнинг сабаблари. Оилавий зиддиятларнинг эр-хотин ва фарзандлар тақдирига таъсири.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Оилавий кадриятлар, ролли муносабатларни ўрганиш (2 соат)

Оилавий кадриятлар, ролли муносабатларнинг психологик методикалар орқали ўрганиш

2-мавзу. Оила психодиагностикасида сўровномалардан фойдаланиш (4 соат)

Оилавий ҳаётга муносабатни ўрганиш. Оила расми. Ота-она ва болалар ўртасидаги муносабатлар диагностикаси. Ота-оналик установкаларини ўрганиш.

3-мавзу. Оила социограммаси (2 соат)

Оиладаги шахсларaro муносабатларни ўрганишда оила социограммаси методи қўллаш.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

Модулга оид ўрганилган материаллар асосида “Оилавий

муносабатларнинг шахс шаклланишига таъсири” мавзусида мустақил иш бажарилади. У асосида малака ишининг кириш қисми тайёрланади.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш, кичик тадқиқотлар);

- давра суҳбатлари (қўрилаётган топшириқлар ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантикий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (топшириқлар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримова В. Оила психологияси: Педагогика олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. – Т.: 2008 – 152 б.
2. Шоумаров Ғ.Б. ва б. Оила психологияси. - Т.: “Sharq”, 2001 у.-272 б.
3. Андреева Т.В. Семейная психология. – СПб.: Речь, 2004.-244 с.
4. Карбанова О.А. Психология семейных отношений и основы семейного консультирования: Учебное пособие. М.: Гардарики, 2005. 320 с.
5. Шнайдер Л.Б. Семейная психология: Учебное пособие для вузов. 2-е изд. М.: Академический проект. 2006. – 768 с.
6. Эйдемиллер Э.Г., Добряков И.Б., Никольская И.М. Семейный диагноз и семейная психотерапия. Учеб. пособие для врачей и психологов. СПб.: Речь, 2003. 336 с.
7. Алешина Ю.Е. Индивидуальное и семейное психологическое консультирование. – М.: Класс, 2004.
8. Шоумаров Ғ.Б Шоумаров Ш.Б. Мухаббат ва оила. – Тошкент, «Ибн Сино», 1994 й. 120с.
9. Каппенберг Р.П. Семейное кризисы // Психологическая энциклопедия. Изд. 2-е / Под ред. Р. Корсини, А. Ауэрбаха. – СПб.: 2003. – С. 795-796.
10. Осипова А.А. Общая психокоррекция. Учеб. пособие. М.: СФЕРА, 2002 г. 510 с.
11. Ғайибова Н.А. “Ўсмир сиблинг мақомининг тенгқурлари билан бўладиган шахслараро муносабатларга таъсири”. Монография Т.: -2016.
12. Шапарь В.Б. Практическая психология. Психодиагностика отношений между родителями и детьми. – Ростов н/Д: Феникс, 2006.– 432 с. С 370
13. Эйдемиллер Э.Г. Методы семейной диагностики и психотерапии: Методическое пособие. – М.: 1996.
14. Думитрашку Т.А. Влияние внутрисемейных факторов на формирование индивидуальности // Вопросы психологии. 1991. № 1.
15. Голод С.И. Семья и брак: Историко-социологический анализ. – СПб.: 1998 г.

16. Бейкер К. Теория семейных систем М. Боуэна //Вопросы психологии. 1991. № 6.

Электрон таълим ресурслари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуотмаркази сайти: www.press-service.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: www.gov.uz
3. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme www.lugat.uz, www.glossaiy.uz
4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: www.uz
5. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
6. www.press-uz.info
7. <http://www.uforum.uz/>
8. Axborot resurs markazi <http://www.assc.uz/>
9. <http://www.xabar.uz>
10. www.ziyonet.uz
11. www.edu.uz
12. www.pedagog.uz
13. www.tdpu.uz

**МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ
ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

“Блиц-сўров” методи

Методнинг мақсади: тингловчиларда берилган маълумотлар ҳақидаги билимларини тезликда аниқлаш имкониятини беради. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Намуна:

“БЛИЦ СЎРОВ” САВОЛЛАРИ

1. Оила ҳусусида қандай фикр баён этилган ?


2. Оила психологиясининг вазифалари нималардан иборат?

3. Оила психологиясини нима учун ўрганиш даркор?

4. Оилавий муносабатларнинг турлари ҳақида нималарни биласиз?

«Балиқ скелети» техникаси

Ушбу технология катта муаммоларнинг ечимини топишга қаратилган. Юқори қисмида муаммолар тури ёзилса, пастки қисмида эса мисоллар билан изоҳланади.



“SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

Намуна: Мобилкурилмалар учун Андроид операцион тизимининг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Оила расми проектив методикасининг кучли томонлари	Оиладаги шахслараро муносабатларни очиб беради
W	Оила расми проектив методикасининг кучсиз томонлари	Натижани таҳлил қилишда тадқиқотчидан маълум тажриба талаб этади....
O	Оила расми проектив методикаси имкониятлари (ички)	Синалувчининг оилани идрок қилишининг ўзигахос жиҳатларини очиб бериш...
T	Тўсиқлар (ташқи)	Синалувчининг расм чизишни истамаслиги...

Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Буметод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий васеминар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлил қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



Ўқитувчи тингловчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



Дарс мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммонитаҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни таркатади;



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдиротларини ўтказадилар. Шундан сўнг, ўқитувчи томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу яқунланади.

Намуна:

Тадқиқот методлари					
Сухбат методи		Контент анализ		Кузатув методи	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хулоса:					

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсдаочик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ниямалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқувтопшириғни белгилаш	✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдмотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қийёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабнингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлиликатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчилар билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали тингловчиларнинг билиш фаолияти турлий ўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида тингловчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади. Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;

- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган туғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Оила		
Оила социограммаси		
Установка		
Оила динамикаси		
Оилавий инқироз		
Сиблинг мақоми		

Изоҳ: Иккинчи устунчага тингловчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

Венн Диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасаввурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништириладилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштириладилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

КЛАСТЕР усули


Кластер -ахборот харитасини тузиш йўли - барча тузилманинг моҳиятини марказлаштириш ва аниқлаш учун қандайдир бирор асосий омил атрофида ғояларни йиғиш ҳисобланади.

Билимларни фаоллаштиришни тезлаштиради, фикрлаш жараёнига мавзу бўйича янги ўзаро боғланишли тасаввурларни эркин ва очик жалб қилишга ёрдам беради.

Тингловчилар:

1. Ёзув тахтаси ёки катта қоғоз варағининг ўртасига “Ижтимоий психологик ҳодисалар” деган мулоҳаза учун мавзу ёзилади. Кластерни тузиш қондаси билан танишади.
2. Бирикма бўйича асосий сўз билан унинг ёнида мавзу билан боғлиқ сўзларкичик доирачалар “йўлдошлар” ёзиб қўшилади. Уларни “асосий” сўз билан чизиқлар ёрдамида бирлаштиради. Бу “йўлдошлардан” “кичик йўлдошлар” чиқарилади. Ёзув ажратилган вақт давомида ёки ғоялар тугагунича давом этиши мумкин.
3. Муҳокама учун кластерлар билан алмашинади.

Кластер усулидан фойдаланган ҳолда замонавий оиланинг турларини аниқланг.



НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу: Оила психологияси фанининг предмети, вазифалари

Режа:

1. Оила психологиясининг тарихи.
2. Оила психологияси фанининг предмети, вазифалари.
3. Оила ва унинг замонавий моделлари.
4. Оила кичик гуруҳ сифатида.

Таянч иборалар: *оила, никоҳ, оила психологияси, оила функциялари, репродуктив, оила турлари.*

Оила – ижтимоий институтларнинг энг қадимгисидир. Инсоният бошидан кечирган тарихий даврларнинг қанчалик турфа ва мураккаб бўлишига қарамай, айниқса, XIX ва XX асрларда рўй берган буюк ўзгаришлар ва ислохотларга дош бера олган ушбу маскан ўз тизими, таркиби ва жамият олдидан турган мажбуриятларини бажариши нуктаи назаридан соғ омон сақланиб қолган тузилмадир. Оилани инсонлар ташкил этгани ва ундаги ҳаёт-мамотни улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ташкил қилишини ҳисобга оладиган бўлсак, уни соф психологик жараёнлар маскани ҳам деб аташ мумкин.

Оила психологияси бўйича чет эл психологлари томонидан жуда катта изланишлар қилинган. Шарқ мутафаккирларининг асарларида ҳам кўплаб ибратли, кузатиш ва тажрибалар асосида чиқарилган хулоса ва тавсиялар мавжуд. Шунга қарамасдан ушбу фан етарли даражада тан олинмаган ва методик томондан таъминланганлиги ҳам кам даражада бўлган. Ҳатто фаннинг ушбу тармоғига келажаги йўқ ва мустақил фан эмас деган нописандлик билан қарашлар ҳам бўлган. Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин: оилани ўрганиш бўйича экспериментал методикаларни қўлланилиши қийин кечиши, шахсий тажрибалар ишонарли эмаслиги, сўровнома методларини ишончлилиги камли ва ҳоказолар. Психологик билимлар фундаментал фанга асосланган ҳолда яъни, шахс, фаолият, гуруҳлар, психик ривожланиш қонуниятларига таянади. Оила психологиясига эса жиддий қаралмаган.

Фақат 1960 йилларнинг охири ва 1970 йилларни бошларидан бошлаб никоҳ ва оила кўпгина фанларда тадқиқот предмети бўла бошлади, шу жумладан психологияни ҳам. Оила муаммоларига эътибор энг аввало психик ва асаб касалликларини профилактикаси ва оиладаги тарбия муаммолари туфайли олимларни диққатини тортди. Кейинги йилларда оила маслаҳатхоналарида оилавий ҳаёт муаммолари ва ота-она ва бола муносабатлари коррекцияси ривожланиб бормоқда.

Замонавий оилаларни ривожланиш динамикаси объектив ва субъектив қийинчиликлар билан боғлиқ бўлган бир ҳолатда, мавжуд оилаларга психологик ёрдам кўрсатиш ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда қонуниятларни излаш мақсадида никоҳ ва оилани ўрганиш шахс ва ижтимоий психологияда ниҳоятда долзарб эҳтиёжга айланди.

Оилани ўрганиш мақсади, авваломбор, оилавий ташҳис қўйиш маълум

бир оила ҳаётидаги унинг бир ёки бир неча аъзоларида асаб ёки руҳий касалликлар келтириб чиқарувчи ҳолатлар (носозликлар)ни аниқлаш, ва иккинчидан, шу касалликлар олдини олишда қўл келувчи оила аъзолари фазилатларини ўрганишдир. Оилавий муносабатларга қизиқиш қадим замонларда халқ оғзаки ижодининг эртак, дoston ва қўшиқ сингари барча намуналарида, Қуръони Карим ва ҳадисларда, Абу Носир Фаробий, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний асарларида, шунингдек, Кайковуснинг “Қобуснома”, Алишер Навоийнинг “Маҳбуб-ул қулуб” каби мумтоз асарларида етарлича кенг ифода қилинган. Юсу Хос Ҳожиб ўз асарларида оилавий бахт шахс муваффақиятининг гарови деб ҳисоблайди. Унинг “Қутадғу билиг” асарида оила бахтли бўлиши учун йигит уйланмасдан олдин келиннинг кимлиги, келиб чиқиши, ёши, характери, хулқ-атворини билиш керак, дейди.

Шарқнинг буюк олими Абу Али ибн Сино ўзининг “рисолаи ишқ” асарида инсон бахтли ҳаёт кечириши учун эр-хотин муносабатларида икки томонлама севиш, ҳурмат муносабат оила мустақамлигининг асоси эканлигини таъкидлайди. Оиланинг давлати ва бахти – яхши аёл эканлигини асарда асослаб берганлигининг ўзи ҳозирги кунларда ҳам бу асарнинг бебаҳо аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Ўрта Осиё донишмандларининг қолдирган мерослари ўзига хос “ахлоқ кодекси” бўлиб, авлоддан авлодга ўтиб келяпти ва шу кунларда ҳам ўз тарбиявий кучини йўқотгани йўқ. Уларнинг ахлоқий-фалсафий қарашлари халқаро тан олинган бўлиб, Осиё, Европа ва Африка халқларининг деярли барча тилларига таржима қилинган.

Абу Райхон Беруний барча аёлларга, қизларга бермоқчи бўлган насиҳатини Абдулла ибн Жаъфар тилидан гапиради:

“Рашкдан сақлангил. У талоқнинг калитидир. Эрингни те-тез танбех қилишни сенга таъқиқлайман. Чунки танбех нафрат уйғотади. Ўзингни безаб юргин. Бунинг учун яхши восита сурмадир. Яна хушбўй атирлардан фойдалангин. Уларнинг ичида энг яхшиси сувдир”.

Амир ибн аз-Зариб Авлоний қизини турмушга чиқараётган пайтда хотинига бундай деган:

“Қизинга қаттиқ буюргинки, саҳрога чиқадиган бўлса, сувни ғамлаб олсин. Сув юза томонга жило беради, ички томонни пок қилади. Эрининг хоҳишларига қаршилиқ кўрсатмасин. Чунки бахт ва яхши оилавий муносабат ўзаро мувофиқликдадир”.

Ҳадиси Шарифда ҳикоя қилинишича, кунлардан бир куни Жаноби пағамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссалом розияллоҳу анҳунинг олдига бир аёл келиб, ўз эридан шикоят қилибди. Уни ёмон сўзлар билан ҳақорат қилишини, калтаклаш азоб беришини йиғлаб айтиб берибди. Шунда пайғамбаримиз у аёлга айтибдиларки, эринг уйга келиши билан шу тошни оғзинга солиб ол нима дейишидан қатъий назар, тошни оғзингдан олма, дебдилар.

Унинг насиҳатига амал қилган аёл бир неча кундан кейин келиб, эри уни энди қийнамаётганлигинини, аксинча, меҳрибон сўзлар билан эркалатиб, яхши муносабатда бўлаётганини айтиб, пайғамбаримизга миннатдорчилик билдирибди.

Юқорида келтирилган барча буюк мутафаккирларимиз каби йирик маърифатпарвар олим Ризоуддин ибн Фахриддин ҳамоилада эр ва хоти муносабатлари бўйича ўзининг яхши фикрларини билдириб ўтади. “Оиланинг асл устуни хотиндур”, дейди у. “Эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам бой қиладиган ҳам, камбағал – қашшоқ қиладиган ҳам хотинди”.

Булардан хулоса қилиш мумкинки, оиладаги низоларнинг, келишмовчиликларнинг сабабини оиладаги мулоқотнинг нотўғри қурилганлигидан қидириш керак. Қарс икки кўлдан чиққани каби, муаммоларнинг келиб чиқишига ҳам эр, ҳам хотин – бири озроқ, бири кўпроқ даражада ёки иккаласи баббаравар айбдор бўлиши мумкин.

Оила ва никоҳ масалаларига тарихий ёндашув швейцариялик олим *И.Баховен* (1815-1887) ишларида, айниқса, унинг “Оналик ҳуқуқи” китобида ёритилган. Ундан ташқари, америкалик тадқиқотчи *Л.Морган* (1818-1881)нинг асарларида ҳам оилага нисбатан эволюцион қарашлар баён этилган бўлиб, “Қадимги жамият” китоби бунинг яққол намунаси ҳисобланади. Бу асарларда оила институтининг бевосита жамият тарққиёти билан боғлиқлиги, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг тақомили оиланинг мустақамлигига боғлиқ эканлиги ғояси ўз исботини топган. Бу ўзгаришлар тарих мобайнида турли жинс вакиллари ўртасидаги ўзаро муносабатларга боғлиқ тарзда кечиши ҳам таъкидланган.


Шундай қилиб, иилани ижтимоий институт сифатида идрок этиш ва уни илмий жиҳатдан ўрганиш анъаналари тарихи XIX асрнинг ўрталарига тўғри келади. Айни шу даврдан бошлаб жаҳоннинг турли бурчакларидаги таниқли социологлар ва антропологлар (*Л.Морган, М.Ковалевский, Б.Малиновский, П.Сорокин*, кейинчалик *А.Харчев, С.Голод* ва бошқалар.) оила муаммоларини ўзларининг аниқ тадқиқот мавзулари сифатида ўргана бошладилар.

Бир қарашда янгича туюлган моногам оиладаги ўзгаришлар XX асрнинг бошларидаёқ кузатила бошланган. Олимларнинг таъкидлашича, оила институтининг ўзи табиати нуқтаи назаридан анча консерватив, яъни ўзгармас, турғун тизим бўлгани боис, жамият миқёсида рўй берадиган ўзгаришлар оила доирасида тахминан 10-30-йиллардан кейингина акс эта бошлайди. Бундан ташқари, рус социологи *С.Голод*нинг ёзишича, Европа халқлари ҳаётида, оилавий муносабатларда кузатиладиган барча ижобий жараёнлар моногам, патриархал оиланинг сақланиб қолингани сабабли рўй берган бўлса, қолган барча салбий ҳолатлар аксинча, оилада рўй бераётган салбий, ёмон жараёнлардан келиб чиқади. Бу каби талқинлар табиийки, кўплаб тадқиқотчиларга оила ва унинг истиқболини тушунишга, мазкур йўналишда жиддий тадқиқотлар олиб боришга ҳалақит беради.

Шунга қарамай, оила институтида кузатилаётган ҳар қандай ўзгаришлари одатда энг аввало, аёлнинг – хотин-қизларнинг жамият ва оилада тутган мақомларининг ўзгариб бораётганлиги, улар малакаларининг ошиб бораётганлиги ва касб-ҳунар, лавозим поғоналарида эркаклардан қолишмасликка интилаётганлиги билан изоҳланади. Қайд этилган ҳолат бевосита оила ҳаётида рўй бераётган турли хил ўзгаришларга, ҳам салбий, ҳам ижобий ҳодисаларга сабаб бўлмоқда.

Иккала жинс вакиллари ҳақ-ҳуқуқларининг амалда тенглашиб бораётганлиги хотин-қизларнинг эркаклар – йигитлар олдида ўзини тутиши ва ўз навбатида йигитларнинг қизларга, эркакларнинг аёлига бўлган муносабатлари, хушомад қилишларида ўз аксини топмоқда. Айниқса, Европа халқларида никоҳ олди совчилик институти йўқолиб, унинг ўрнига ўз хоҳиши билан ўзига никоҳ шеригинини танлаши анъанаси барқарорлашди. Лекин айти ҳолат сақланиб қолган мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда оила институтига муносабат бошқачароқ, яъни анъаналарга содиқлик сақланиб қолган. Совчиликнинг аҳамияти шундаки, бунда ўртада турганлар, келин-куёв оиласини таниган, билган, суриштирган одамлар бўлгани сабабли ҳам улар ёш оиланинг мустаҳкам бўлишидан жуда манфаатдордирлар, шунинг учун ҳақиқий ўзбекона мезонлар, “тенг-тенги билан” тамойили асосида, совчилар ёрдамида қурилган никоҳлар аксарият ҳолатларда мустаҳкам бўлади.

Оила- ўзига хос ижтимоий бирлик бўлиб, унинг асосида эр-хотин иттифоқи, қариндошлик муносабатлари, маиший ҳаёт бирлиги, ахлоқий ва ҳуқуқий маъсулият ҳамда жамият томонидан ўрнатилган ота-оналарнинг болаларини тарбиялаши бўйичава фарзандларнинг ўз ота-оналари учун муайян мажбуриятлари туради.



Ўзбек халқининг тарихий анаъналари, урф-одатлари, удуми, расм-русмлари, ахлоқ меъёри, турмуш маънавий қадриятлари, шахслараро муносабати, мулоқот мароми ва хусусияти бошқа қардош халқларникидан маълум даражада тафовутланади. Масалан, ўзбек халқи характерида андишалик, хушмуомалик, ширинсуханлик, меҳмон кутишдаги қўли очиклик

ва сахийлик одатлари мавжуд. Шунинг билан бирга, сабр-косаси тўлгач, зўравонларга нисбатан аёвсиз бўлиш, юрган йўлидан ортга қайтмаслик, исёнкорлик, бир сўзлик одати ҳам халқимиз учун хосдир. Ўзбек оилаларида бир неча авлод вакиллари (хатто 3-4авлод) бир биридан ажрамаган ҳолда биргаликда бир ховлида бир маҳаллада яшаб келишган. Шунинг учун илгарилари мавжуд бўлган катта оила ичида, бир неча авлод вакиллари яшаётганлигини учратишимиз мумкин. Оила бошлиғи бўлган Ота уғилларини уйлантиргандан кейин ҳам узок вақт уларни мустақил оила қилиб ажратиб юбормаган. Янги оила кўрган уғил, катта оила бошлиғи бўлган ота кўл остида ишлаб хужалик юргизиш ишларида унга ёрдам берган.

Агар янги оила ота-она бағридан ажралиб чиққан тақдирда ҳам, улар оиласи учун ота унчаузок бўлмаган жойдан ховли ёки ер сотиб олиб берган, ёхуд уз еридан уй қуриш учун жой ажратиб берган. Янги оиланинг кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган уй буюмлари ажратиб берилган. Лекин шунда ҳам ота уз ерини парчаланиб кетишига йул қуймаган, уғил бола кўл остида унинг ерида ишлаган, хужалик юргизишда отага ёрдам бериб келган. Оиланинг ўзаро муносабатларида маълум ёш гуруҳидаги ҳар бир киши албатта узидан юқори ёшда турган кишиларга итоат этган, уларга ҳурмат эҳтиром қўйилган. Бу албатта йирик оилаларнинг бирлашиб яшаш зарурияти мавжуд бўлган шароитларда уларнинг парчаланиб кетмаслиги учун катта аҳамият касб этган. Бундан ташқари ўзбекларда ака-укалар ёки қариндош уруғлар уртасидагина эмас, шунингдек, қуни-қушнилари билан ҳам яхши муносабатлар ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик қўйиш каби хислатлар анча ривожланган.

Оила аъзолари ўртасида содир бўладиган мураккаб ва серқиррали ўзаро муносабатлар кўплаб ўзбек олимлари (*М.Давлатшин, В.Каримова, Ғ.Шоумаров, Э.Ғозиев, Б.Қодиров, Х.Каримов, Н.Соғинов, Ф.Ақрамова, Г.Ядгарова, М.Салаева, Д.Холиқов* ва бошқалар) томонидан ўрганилган. Уларда кўпроқ ўзбек оиласига хос урф-одатлар, удумлар, анъаналар нуқтаи назаридан оилавий муносабатларнинг этнопсихологик қирралари тадқиқ этилган.

Оила объект сифатида турли асосларга кўра классификацияланиши мумкин. Масалан:

1. Регионал жойланишига кўра-қишлоқ ёки шаҳар оиласи.
2. Таркибига кўра – кўп бўғинли ва нуклеар.
3. Ота-оналарнинг борлигига кўра -тўлиқ ва тўлиқсиз (моно, ота-оналик).
4. Фарзандлар сонига қараб: фарзандсиз, камфарзанд, ўрта фарзандлик, серфарзанд.
5. Ота-оналарнинг ижтимоий аҳволга қараб - деҳқонлар оиласи, ишчилар оиласи, хизматчилар оиласи ва бошқалар.
6. Ҳаётий циклига (даврига) қараб – ёш оила (бир йилгача, 3-5 йиллик, 6-10 йиллик турмуш тажрибасига эга бўлган оилалар), ўрта, етуқ.
7. Эр-хотиннинг маълумот савиясига кўра: олий маълумотлар, ўрта – махсус, ўрта, тугатилмаган ўрта, махсус ёрдамчи мактаб маълумоти

ва турли савиядаги маълумотга эга бўлган қайлиқларданташкил топган оила.

8. Никоҳдан қоникқанлик савиясига кўра, ажралиш савиясида – никоҳдан қоникқанлик даражаси қуйи савияда бўлган оила, ўрта савияда ва никоҳдан қоникқанликдаражаси юқори савиядаги оила.
9. Қайлиқларнинг ота – она оиласи:(Ота – онаси) нинг моддий таъминланганлик даражаси жиҳатидан қудаларнинг бир – бирига мос эканлиги ёки улар орасида катта тафовут мавжудлиги бўйича бир – бирига мос ва мос бўлмаган оилалар.
10. Оилада аёл ёки эркак етакчилигига кўра: Эр етакчибўлган оила, хотин етакчи бўлган оила. Эр ва хотин етакчиликни бирга бажарадиган (Биархат) оила.
11. Оилада эр-хотин орасида муносабатларга кўра: автогритар, демократик, либерал, аралаш типдаги оилалар.
12. Эр – хотинларнинг миллатига кўра: Бир миллатли ёки байналминал оилалар, байналминал оилаларни ўз навбатида иккига бўлиш мумкин.
13. Юридик расмийлаштирилганлигига кўра:синовдаги оила (бирга яшашади, аммо ҳали никоҳни расмийлаштирмаган, чунки бир–бирларини норасмий никоҳда синашяпти), расмийлаштириш арафасидагиоила (бирга яшашади, оила кўриш мақсади аниқ аммо айрим объектив сабабларга кўра расмийлаштириш кечиктирилаяпти.), никоҳнидаги оила, никоҳдан ташқари оила. (айрим эркак кишиларнинг иккинчи, учунчи, юридик жиҳатдан норасмий оиласи).

Оилани турларга бўлганда, турли олимлар турлича ёндашадилар. Масалан, Санк-Питербурглик олим *С.И. Голод* (1998) фақат эр ва хотин ҳамда уларнинг фарзандларидан иборат оилаларни тасаввур этган ҳолда уларнинг оила даврасидаги ижтимоий нуфузлари ва роллари нуктаи назаридан оилани тоифаларга бўлиб ўрганишни таклиф этади.

Оила ҳаёти шаклининг даврлари-оиланинг шаклланишидан бошлаб парчаланишигача ўзгаришлари динамикасини тавсифловчи категория. Оила функциялари-оила ва унинг аъзолари яшаш ва фаолиятини намоён қилиш усули, оила функциялари тарихидир ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий шароитлари билан чамбарчас боғлиқ.

- ▶ Оиланинг **ҳиссий-эмоционалмулоқот** функцияси – бу унинг ўз аъзолари ўртасида муайян илиқ муносабатларни сақлаш, улар ўртасида меҳр-оқибат, ўзаро ғамхўрлик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, севиш, севилиш каби қобилиятини намоён этишидир.
- ▶ Оиланинг **тарбиявий** функцияси – маданий, маънавий меросни авлоддан-авлодга узатиш, ёш авлодни тарбиялаш, жамиятни маданий меросини таъминлаб туришдан иборат.
- ▶ **Жисмоний қувватни таъминлаш** функцияси – оила аъзоларининг жисмонан соғ, тетик ва ўзини яхши ҳис қилишларини таъминлашга боғлиқ бўлган шароитларни назарда тутад.
- ▶ **Маънавий мулоқотни таъминлаш** функцияси – одамнинг ўз насл-насаби, маънавий-маданий анъаналари бўлишига интилишидан келиб

чиқади.

- ▶ **Репродуктив** функция – бу оиланинг нафақат авлодлар, ворисларни яратишга алоқадор вазифаси, балки, шу орқали ота ва она бўлишдек бахтга муяссар бўлиш, давлатнинг эса туб аҳоли сонини муайян миқдорда ушлаб туришига ҳам хизмат қилади.
- ▶ **Бахт ва тинчлик-хотиржамликни барқарорлаштириш** функцияси ҳам ўта муҳим бўлиб, айнан оила ҳар бир аъзосининг муаммоларини ечиш, уни ташқи турли таъсиротлардан ҳимоялаш, керак бўлса, унда ҳимоя имунитетини шакллантиришга ёрдам беради.
- ▶ **Иқтисодий хўжалик** функцияси – уй хўжалигини юритиш, оила аъзоларининг моддий, маънавий эҳтиёжларини қондириш.

Демак, оиланинг жамият олдидаги **вазифа**лари деганда, унинг аввало оила аъзоларининг муайян эҳтиёжларини қондириш ҳамда шу орқали давлат ва жамиятнинг эҳтиёж ва манфаатларига хизмат қилиш қобилияти тушунилади. Масалан, ота ишлаб чиқариш корхонасида эртадан кечгача меҳнат қилар экан, бу билан у нафақат ўзининг еб-ичиш, дам олиш, турли харидларни амалга оширишга йўналтирилган эҳтиёжини қондиради, балки оила аъзоларини, биринчи навбатда фарзандлари, уй бекаси бўлса, турмуш ўртоғининг эҳтиёжларини, қолаверса, у ёки бу корхонадаги рентабелликнинг ошиши, иқтисодий кўрсаткичларнинг юқори бўлишига, шу орқали ўз Ватанида ушбу соҳанинг ривожланишига ҳисса қўшади.

Назорат саволлари:

1. Оила психологиясифанинг предметиға таъриф беринг.
2. Оила психологияси вазифалари қандай?
3. Шарқ мутафаккирларининг оила ҳақидаги қандай фикрларини биласиз?
4. Оила психологияси қандай фанлар билан бевосита боғлиқ?
5. Ўзбекистонда оила психологиясига ҳисса қўшган олимлар кимлар?
6. Оила психологиясининг тадқиқот методлари қандай?

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Каримова В. Оила психологияси: Педагогика олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. – Т.: 2008 – 152 б.
2. Шоумаров Ғ.Б. ва б. Оила психологияси. - Т.: “Sharq”, 2001 у.-272 б.
3. Андреева Т.В. Семейная психология. – СПб.: Речь, 2004.-244 с.
4. Карбанова О.А. Психология семейных отношений и основы семейного консультирования: Учебное пособие. М.: Гардарики, 2005. 320 с.
5. Шнайдер Л.Б. Семейная психология: Учебное пособие для вузов. 2-е изд. М.: Академический проект. 2006. – 768 с.
6. Эйдемиллер Э.Г., Добряков И.Б., Никольская И.М. Семейный диагноз и семейная психотерапия. Учеб. пособие для врачей и психологов. СПб.: Речь, 2003. 336 с.

7. Шоумаров Г.Б Шоумаров Ш.Б. Мухаббат ва оила. – Тошкент, «Ибн Сино», 1994 й. 120с.
8. Каппенберг Р.П. Семейное кризисы // Психологическая энциклопедия. Изд. 2-е / Под ред. Р. Корсини, А. Ауэрбаха. – СПб.: 2003. – С. 795-796.
9. Гайибова Н.А. “Ўсмир сиблинг мақомининг тенгқурлари билан бўладиган шахслараро муносабатларга таъсири”. Монография Т.: -2016.
10. Голод С.И. Семья и брак: Историко-социологический анализ. – СПб.: 1998 г.

2-мавзу: Оилавий муносабатлар психологияси.

Режа:

1. Ёш оилада мослашув муаммоси.
2. Эр ва хотин ўртасидаги муносабатлар хусусиятлари ва динамикаси.
3. Ота-она ва фарзандлар муносабатлари, сиблинг муносабатларнинг ўзига хослиги.
4. Оилавий низо турлари: эр-хотин, қайнона-келин, қайнона-куёв, овсинлар ўртасидаги, ота-она ва фарзандлар ўртасидагинизолар.
5. Оила ҳаёт фаолиятининг бузилиши.

Таянч иборалар: адаптация, оилавий адаптация, эр-хотин муноасбатлари, сиблинг мақоми, низо, оилавий низолар оила интеграцияси, никоҳдан қониққанлик, никоҳдан қониқиш омиллари.

Ёш оила деб, аввало, эр ва хотиннинг иккаласи ҳам 30 ёшдан ошмаган ёки оилавий турмуш қуриш тажрибаси 10 йилдан ошмаган ёшлар оиласи назарда тутилади. Биринчи ёндашув, яъни, эр ва хотиннинг паспорт ёшини инобатга олиб, оилага мақом бериш тўғрироқ бўлиб, қачон турмуш қурганлигидан қатъий назар, албатта, шу муддат орасида хали йигит ҳам қиз ҳам том маънода катта меҳнат стажига эга бўлмайди, ва кўп ҳолларда аёл-она айнан шу даврда фарзандли бўлиб, уй бекаси бўлиб ўтириб қолиши эҳтимоли катта. Агар иккинчи ёндашув бўйича ёш оилани оилада яшаш муддатига кўра табақалаштирилса, унда у ёки бу жамиятда никоҳ ёшининг ўртача кўрсаткичи ортиб ёки камайиб боришини назарда тутиш лозим. Чунки айрим давлатда ва айрим миллий-маданий муҳитда ёшларни жуда эрта турмуш қуриши рағбатлантирилса, бошқаларида, айниқса, охириги йилларда аксинча, йигит ва қизларнинг касб-хунар орттириш бўйича профессионал малакага эришиш асосий қадрият ҳисобланган шароитларда 30 ёшдан ошган одам энди оила қурган ёки хали ҳам турмуш қурмаган бўлиши ҳам мумкин. Маълумотларга қараганда, Америка Қўшма Штатлари, Германия каби ривожланган Европа ва Америка давлатларида, Шарқий Осиёнинг ривожланган мамлакатларида (Япония, Корея каби) никоҳ ёши йил сайин ортиб, айрим мамлакатларда бу рақам 30 ёшдан ҳам ўтиб кетмоқда. Жуда эрта турмуш қуриш қанчалик оила ва унинг барқарорлиги билан ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар билан боғлиқ бўлса, кеч турмуш қуриш ҳам қатор

салбий асоратлар ва моддий-маънавий қийинчиликлар билан, энг муҳим эр ва хотиннинг саломатлиги ҳолати, туғилажак зурриёднинг соғлом туғилиши билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради.

Умуман, фанда ёш оилани тавсифлаганда қуйидаги мезонлар инобатга олинади:

- *жуда ёш оила* – никоҳга кирган вақтдан токи 4 йилгача;
- *ёш оила* – 5 йилдан 9 йилгача;
- *ўрта оилавий ҳаёт муддати* – 10 йилдан 19 йилгача;
- *катта оилавий ҳаёт муддати* – 20 йил ва ундан ортиқ муддат турмуш кечирганлар оиласи.

Кўплаб олимларнинг таъкидлашларича, ёш оиланинг мустаҳкамланиб, оёққа туриб кетиши, турли маиший муаммоларни ўзи мустақил хал қилиши учун зарур бўлган муддат аслида турмуш қурган икки шахснинг бир-бирига бўлган самимий муносабатига, оила ва унинг атрофидаги турли қадриятларга нисбатан уйғун қарашларига, ота-она оиласида ибрат сифатида кўрган-кечирганларини учун ўз оиласида қўллай билиш маҳоратига бевосита боғлиқдир. Лекин барибир ҳар бир оила айнан ёшлик даврида муайян қийинчиликларни бошдан кечирадигани, бу муаммолар қуйидаги ҳолатларга боғлиқ тарзда намоён бўлади:

• *оилавий ҳаётни бир маромда кечишини таъминлаш, ишлаш, ўқиш ёки бошқа масалаларни хал қилиш учун вақтнинг етишмаслиги;*

• *вақтни яхши ўтказиш, кўнгилхушликларнинг чекланганлиги;*

• *янги шароитда эркакнинг ҳам аёлнинг жисмонан толиқиши, асабларнинг чарчаши;*

• *иқтисодий қийинчиликлар.*

Охирги ҳолат бир томондан, айти пайтда ёшлардаги орзу-ҳаваснинг кўпайиб кетиши билан изоҳланса, бошқа томондан, ота-оналарнинг орзу-қавасларию, борди-келди билан боғлиқ сарф-харажатларнинг ортиб бориши билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзбекистонда кундан-кунга ҳаёт ва яшаш шароитимиз яхшиланиб, оила фаровонлиги учун етарли шарт-шароитларнинг бўлишига қарамай, ташқаридан барча маиший муаммолари хал бўлган ёш оилада ҳам нималардир етишмаётгандай туюлаверади. Бу – ўша орзу-ҳаваслар, ижтимоий эҳтиёжларнинг тобора ортиб бораётганлиги билан изоҳланади. Шу боис ҳам юртимизда ёш оила манфаатларини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Ўзбек оиласи бошқа халқлар оиласидан анча фарқ қилади. Кўпинча, бир оиладада бир неча авлод аъзолари бирга истиқомат қилишади. Ана шундан келиб чиққан ҳолда унинг тузилиши мураккаблашиб боради: бува ва буви (катта авлод вакиллари), ота ва она (иккинчи авлод намоёндалари), катта-кичик фарзандлар (учинчи бўғин аъзолари) неvara ва эваралар (тўртинчи авлодга мансублар) кабилар.

Оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар тузилишининг тахминий схемаси қуйидагича:

1)бува ва буви ҳамда оиланинг қолган барча аъзолари алоқаси:

- 2)ота-онанинг ўзаро муносабатлари:
- 3)ота-она ва фарзандлар орасидаги мулоқот:
- 4)фарзандларининг ўзаро муносабатлари тартиби:
- 5)келиннинг барча оила аъзолари билан муносабатлари:
- 6)келинларнинг (овсинлар) ўзаро мулоқот қилишлари кабилар.

Оила мурқкаб ижтимоий гуруҳ бўлиб, биологик, ижтимоий, ахлоқий, мафкуравий ва руҳий муносабатларнинг бирлашуви натижасида вужудга келади. Шу сабабли турмушдаги ва оила аъзолари муносабатларидаги ўзгаришларунинг моддий-маиший, иқтисодий негизи ўзгаришига бевосита боғлиқдир.

Оиладаги шахслараро муносабатлар миллий-худудий хусусиятларга узвий боғлиқ мураккаб тизимга эга бўлиб, унинг асосий бўғини эр билан хотин ўртасидаги муносабат ҳисобланади. Ундаги шахслараро муносабатлар барқарорлигини оилавий қадриятларнинг шаклланганлик даражаси белгилайди. Ўзбек оиласининг миллий-маданий ва ижтимоий-психологик хусусиятларини ҳисобга олмай туриб оила-никоҳ муносабатларини, оилавий турмуш фаолиятини, унинг барқарорлиги ва фаровонлигини мақсадга мувофиқ йўсинда ташкил этиш ва амалга ошириш мумкин эмас.

Ўзбек оилаларида шахслараро муносабатлар барқарорлигини белгилашда эр-хотин муносабатларидаги ўзаро ҳурмат ва ишонч, бир-бирини яхши тушуниш, фарзандлар, муомала одоби, онглилик ва маънавий ахлоқий мавқе, унинг моддий таъминланганлиги, уй-жой билан таъминланганлик, роллар тақсимотининг мослиги, жинсий мослик муҳим омиллар ҳисобланади. Эр-хотин муносабатларига никоҳ олди омилларикучли таъсир кўрсатади.

Оила ижтимоий тузилма сифатида бир қатор функцияларни бажариши тўғрисида муайян тасаввурга эгамиз. Шундан келиб чиққан ҳолда оиладаги эркак ва аёлнинг алоҳида ўзига хос функциялари нимадан иборат, деган ҳақли савол туғилиши табиий.

Шарқ халқларининг кўпчилигида, жумладан, бизнинг ўзбекларда ҳам эркаклар хонадон бошлиғи ҳисобланадилар, шу боис эркакларнинг фундаментал функцияси оилани моддий жиҳатдан таъминлаш ҳисобланади. Шунингдек, оиладаги маънавий-маиший муаммоларни ҳал этиш ҳам асосан эркакнинг зиммасида. Ташқи таъсир факторлари кўпайиб кетганлиги боис, эркак яна бир муҳим функциясига – фарзанд, айниқса ўғил бола тарбиясига масъул эканлигини баъзан унутиб қўяётган бўлса, баъзан эса бунга вақт орттиролмапти.

Кўп оилаларда шуни кузатишимиз мумкинки, аксар ҳолларда она оқила ва ширин сўз бўлса, қизлар ҳам яхши тарбия топадилар. Эркак ақлли, уддабурон бўлгани ҳолда ўғилнинг эркатой, ноқобил бўлиш ўсиши, ҳаётда ўз ўрнини топишга қийналиш фактлари учраб туради. Бу эса оилада, теvarак-атрофда ўғил бола тарбиясида ижтимоий назоратнинг сусайиб кетганлигидан дарак беради.

Аёлнинг оиладаги фундаментал функцияси эса бола туғиб-тарбиялаш, рўзғор юритиш, оила маблағларини, оила бюджетини оила аъзоларининг

эхтиёжларига қараб тўғри тақсимлай билиш ҳисобланади.

Шунингдек, фарзандлар онги ва хатти-ҳаракатида орасталик, чеварлик, эстетик дидни шакллантириш, меҳнаткаш ва хушхулқ қилиб тарбиялаш ҳам онанинг вазифаларидир. Шу билан биргаликда ҳар иккала жинс вакиллари учун оилада юзага келган, юзага келиши мумкин бўлган низоларни олдини ола билиш функцияси ҳам мавжуд.

Яқин-яқингача ўзбек оиласида мавжуд бўлган бир ҳақиқат шунда эдики, унда бола шахсини шакллантириш, ақлан, руҳан, жисмонан соғлом қилиб тарбиялашда онанинг ўрни катта эди. Қисқаси, оиланинг маънавий таъминотининг маълум қисми аёлнинг зиммасида. Ота боланинг тарбияси билан бевосита шуғулланмай, балки кўпинча она тарбия жараёнида ота шахсидан фойдаланар эди. Масалан: оналаримиз «отангга айтаман», деб биз фарзандларни ёмон ишдан қайтарар, «отангга қандай айтамин?» деб қилган ишимизнинг ёмонлик даражасини аниқлар ва бу билан бизга отамизнинг таъсир кучини оширар эди. Фарзандини тарбиялашда онага отанинг шахси, обрўи қўл келар эди. Ота эса тарбия жа-раёнига фавқулодда ҳолатларда, ёки боланинг қилмиши «газак» олганда бевосита аралашган. Бунгача бўлган жараён она орқали бошқарилар эди.

Бугун ҳам оилада отанинг шу мавқеини йўқотмаслик, миллат, халқ ва жамият тақдирига бефарқ эмаслигимизни кўрсатади.

Бугун ўзбек аёли оилада ҳукмронликни даъво қилмоқда. Янги келинчаклар, ёш оналарнинг оилада гегемонликка интилиши, ўз фикрини эрига ўтказишга ҳаракат қилишини нормал ҳолат деб бўлмайди. Эрини болалари олдида изза қилувчи, ҳатто болаларини отаси айтганини бажармасликка ундовчи аёллар, афсуски, кўпайиб бормоқда.

Эркакларнинг вазифаларини бажариши баробарида аёлнинг характерида ҳам эркаклашув белгилари юзага келмоқда. Дағаллашув, ҳиссизлик, ҳаттоки, сўкинишга мойиллик белгилари сезилмоқдаки, натижада қизларимиз эркаксимон, ўғилларимиз қизсимон бўлиб ўсиши хавфи юзага келяпти.

Аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллашуви, унинг оилавий муносабатларига таъсир этишувига олиб келиши мумкин бўлган муаммолар келиб чиқмоқда, айниқса бошқарув тизимидаги аёл салоҳияти ва унинг бу мавқеининг шахсий фазилатларига таъсири масалалари сезилмоқда, бу жараёнда шахсий фазилатларда аёллик фазилатлари (назокатлилик, ширин сўзлилиқ...) дан воз кечиб, эркаклик фазилатлар (қатъиятлилиқ, қаттиққўллиқ, тутган жойидан кесишга интилиш...)ига эришиш лозимлиги кўринади, йўқса иш фаолиятида самара камдек туюлиши мумкин.

Аёлнинг асосий вақти оила бюджетига ҳисса қўшишга сарфанаётганлиги боис, фарзандлар тарбияси ўзига яраша бўлиб қолиб, кўпгина нохушликлар вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Болаларнинг шахсий муаммоларига бефарқлик, унинг ички дунёси, манфаатлари, қизиқишларига нисбатан лоқайдлик она ва бола ўртасида бегоналашув жараёнини келтириб чиқармоқда.

Эркаклар оилада ўз функцияларини муносиб бажариши учун уларнинг муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилишга ҳаракат қилмоқ лозим.

Мутахассисларнинг фикрича, бугун Ўзбекистонда эркаклар аёлларга нисбатан ўртача ҳисобда 5-8 йил кам умр кўришяпти. Чунки уларнинг организми жисмонан бакувват бўлса-да, маънавий-маиший муаммоларга, кийинчиликларга нисбатан чидам-сиз. Шунингдек, улар руҳан тушкунликка тушганида, турли шахсий муаммоларга дуч келганида уларни бирлаштириб турувчи марказлар, ҳимоя қилувчи ташкилотлар йўқ. Оталари, акалари билан гаплашиш ноқулай ва ёқимсиз бўлган мавзуларда дардқаш тополмай қийналишади, махсус маслаҳатхоналарга, етук психологларга эҳтиёж сезишади.

Оилаларда ота-оналарнинг ўз фарзандларини тарбиялашнинг турли услубларини фарқлаш мумкин:

Гиперпротекция – ота-оналарнинг фарзандларига нисбатан ҳаддан зиёд эътибори бўлиб, бу уларнинг бола тарбияси учун куч, вақт ва эътиборни аямасликларида намоён бўлади. Ота-она бу ишни ҳаёт тарзига айлантиради, яъни она учун ҳам, ота учун ҳам бола тарбияси ҳаётининг мазмун-муддаосига айланади.

Гиперпротекция – ота-она томонидан боланинг барча истак, тилак ва эҳтиёжларини кўр-кўрона, танқид ва мулоҳазасиз қондиришга интилиш; болани ҳар қандай қийинчиликлар ва тўсиқлардан ҳимоя қилиш, унинг барча истакларини жойида бажо келтириш, эркалатиш, оддий ютуқларидан қувониш, хатоларини сезмасликка қаратилган ҳаракатлар. Боласи учун “жонини жабборга берувчилар” одатда ўзлари билмаган ҳолда фарзандларига ёмонлик қилаётганликларини сезмайдилар, натижада бола келажақда ишга тоқати йўқ, кўпчиликнинг ичида ўзини тута олмайдиган, ҳаётнинг паст-баландликларида ўзини ночор ҳис этадиган, тантиқ, эрка бўлиб қолади. Айниқса, бола ўсмирлик ёшига етганда, эрка, тантиқ бўлгани учун дўстлари ва тенгқурлари даврасида ҳам ҳамма айтганлари бўлишини истайдиган, лидерликка интилувчанлигини намоён этгиси келади, лекин иккинчи томондан, аслида унда бундай сифатлар бўлмайди. Гап шундаки, бундай ҳолатларда ота-она зурриёди тимсолида илгари ўз ҳаёт тажрибасида эришолмаган армонларини рўёбга чиқаргиси келади, уларнинг тарбия услублари айнан шунга қаратилган бўлади, лекин бола кўп жихатдан ночор эканлигини кейинчалик ижтимоий муҳитнинг турли вазиятларига тушганида ҳис эта бошлайди.

Ғамхўрликдан устун келадиган гиперпротекция – бунда эркалатишдан кўра ота-она томонидан боласининг ҳар бир юрган қадами ва хатти-ҳаракатини нзоратга олиш орқали унга эътибор бериш назарда тутилади. Шунинг учун бу тарбия услубида турли хил таъқиқлар, чегаралашлар (“у мумкин эмас”, “бу мумкин эмас” кабилида) бисёр бўлади. Бундай шароитда катта бўлган бола одатда мустақил фикрли, мустақил қарорлар чиқарувчи бўлолмайди, лекин салга жаҳли чиқадиган, кўп нарсалардан норози ҳолда катта бўлади, чунки у доимий назоратга, бировларнинг ҳамма йўл-йўриқларни кўрсатиб, айтиб беришларига ўрганиб қолади: онасисиз дарс таёйрлай олмайдиган, отасисиз кўчага чиқмайдиган бўлади, барча ишларида катталарнинг аралашувига кўникиб кетади.

Ўта кучли ахлоқий масъулият – бунда ота-она томонидан болага нисбатан талаблар даражаси юқори бўлади, лекин унинг асл хоҳиш-истаклари, эҳтиёжлари унчалик эътиборга олинмайди. Ота-она боласининг келажагини пухта қилишни ўйлаб, унинг юриш-туриши учун ўзларини масъул деб ҳис қилган ҳолда, шахсий тасаввуридаги инсонни яратишга, шахсни шакллантиришга уринадилар, баъзан назорат остида боланинг ёши, ақлий ёки жисмоний имкониятларига зид талаблар, топшириқлар ҳам берилаверади. Масалан, “сен тўнғичимизсан, укаларингга сен қарашинг керак”, деган маънода унга оиладаги кичик аъзоларга ёки касалликка чалинган оила аъзосини парвариш қилиш каби масъулиятли ва оғир ишлар ҳам юкланади.

Эмоционал раддия – бунда ота-она боласини шундай тарбиялайдики, унинг ота-она ҳаётида у ўзига яраша ташвиш, ортиқча юк эканлиги, у бўлмаганида ота-онанинг ҳаёти бошқачи бўлиши мунтазам равишда эслатиб турилади. Агар бу фарзанд оилада ягона бўлмаса, бошқа арзандароқ, суюклироқ инсон бўлса, вазият янада оғирлашади, “сен бўлмаганингда...” ёки қиз болага қараб: “Сенинг ўрнингда ўғил бўлганда эди...” қабилидаги кесатиклар тез-тез айтиб турилади.

Айрим ота-оналар бу каби эмоционал жиҳатдан боласини рад этаётганлигини яширишга уринади, “нега болани ёқтирмайсан?” каби саволларга аслида уни севиши, кераклигини таъкидлаган билан барибир бола ота-онаси учун ортиқча ташвиш эканлигини ҳис қилиб яшайди ва тезроқ мустақил бўлиб олиб, уларни ташлаб кетишни, алоҳида яшашни ихтиёр қилиб қолади. Она қанчалик ўз меҳрибонлигини сунъий равишда намоён этишга уринмасин, бола барибир уларнинг самимий эмаслигини қалби билан ҳис этади. Айниқса, отаси билан ажралишган ёки ота ташлаб кетган ҳолатларда онанинг бундай муносабати болага жуда оғир ботади.

Қаттиққўллик – бир қарашда эмоционал рад этишга ўхшайди, лекин ундан очикроқ ва оғирроқдир. Қаттиққўллик тўғридан-тўғри болани ёшлигидан калтаклаш, ҳақорат қилиш, камситиш шаклида ёки бола эҳтиёжларига тўла бефарқлик, унинг бор-йўқлигини гўёки сезмаслик каби кўринишларда бўлиши мумкин. Иккала ҳолатда ҳам бола ёшлигидан нима қилиб бўлса-да, тезроқ катта бўлиш, ўзи амаллаб тирикчилигини қилиш, ота-она тазйиқидан қутулишни ўйлаб яшайди. Бундай оилада болани у ёки бу хулқи учун жазолаш одат тусига кириб қолади, бола кўрққанидан ота-она ҳукмига итоат этаётганлиги, бунинг истикболда ёмон асоратлари борлигини катталар билмайдилар, билсалар ҳам бу усул улар учун самарали туюлади. Айбдорлик, айбга яраша жазо каби усуллар бола хулқ-атворини бошқарувчи психологик омилга айланади, у ҳам келажакда доимо айбдорларни қидиришга ўрганиб боради.

А. Фрейд назариясига кўра, ана шундай жазога ҳукм этилган бола тобора агрессив бўлиб бориб, ўзида аламини қайсидир бир объектдан (ўзидан кичиклардан, бегоналардан, ҳайвонлардан) олишга қасд қиладиган, қасоскор бўлиб ўсади. Маълумотларга кўра, Америкада кўча болаларининг камида 1%и оилада айни шундай тарбиянинг қурбонидирлар

Оиладаги шахслараро муносабатлар, эр-хотин ва ота-она ҳамда болалар муносабатлари кўплаб тадқиқотларнинг объекти ва предмети бўлган.

Маълумки, ижтимоий тарбиянинг дастлабки ўчоғи оила бўлиб, айнан ота ва она дастлабки ижтимоий кўникмаларни бола онгига сингдирувчи, унинг иродасини чарҳловчи инсонлардир. Оилавий муносабатлар болани наққат шахс сифатида ўзлигини англаш, балки ўзини у ёки бу жинс вакили сифатида идрок этиш ва шахсий фазилатларини такомиллаштиришга ҳам ёрдам беради. Бизнинг кузатишларимиз шуни исботладики, оиланинг тўлиқ бўлиши, яъни, унда ҳам ота, ҳам онанинг тинчлик-тотувликда яшашлари ва унда нормал инсоний муносабатлар, соғлом маънавий муҳитнинг мавжудлиги боланинг ҳар томонлама яхши ривожланиши, соғлом, ақлли, кучли ирода соҳиби бўлиб етишига имкон беради. Болага ҳам отанинг ҳам онанинг бўлишининг зарурати шу билан изоҳланадики, масалан, қиз бола онаси ва унинг оилада ўзини тутишига қараб, ўзини аёллар жинсига тааллуқли эканлигини англашдан ташқари, келажакда қандай она бўлишини тасаввур қилса, отасига, унинг онасига бўлган муносабатига қараб, ўзини келажакда оила қурганда қандай оила соҳибаси бўлиши лозимлигини англаб боради. Худди шундай, ўғил бола онасининг фазилатлари, оиладаги тутими ва отасига муносабатини идрок қилиб борар экан, келажакда қандай қиз билан турмуш куриш мумкинлиги, танлайдиган қизи қандай сифатлар соҳибаси бўлиши лозимлигини билиб борса, отаси ва унинг оилада мавқеига қараб, ўзини эркак сифатида келажакда тасаввур қилиш билан биргаликда турмуш ўртоғига қандай муносабатда бўлиш лозимлиги тўғрисида билим ва тасаввурларини орттириб боради. Бу психологик қонуният бўлиб, шахснинг оиладаги шахсий ва жинсий социализациясининг етакчи тамойили ҳисобланади. Шу боис ҳам боланинг том маънода яхши тарбия олиб, жамиятда ва оилавий муносабатларда муносиб мавқега эга бўлиши учун оила муҳити соғлом, барқарор, эр ва хотин бир-бирларига ғамхўр, меҳрли в асадоқатли бўлишлари ўта муҳимдир.

Шу билан бирга оилада фарзандларнинг ўзаро муносабатларини тўғри йўлга қўйиш ҳам муҳим масалалардандир. Бунда ҳар бир боланинг сиблинг мақомини ҳисобга олган мақсадга мувофиқ саналади.

Психологик адабиётда сиблинг мақоми аслида (инглизча *sibling*, *sibs* – бир оиладаги акалар ва опалар маъносини билдиради) – муайян инсоннинг муайян оилада туғилиши, жинси ва туғруқлар орасидаги расмий фарқни ифодаловчи тушунчани билдиради. Боланинг сиблинг мақоми ва унинг шахсий кўрсаткичлар билан боғлиқлиги масаласига ҳали аниқлик киритилмаган, яъни аниқ илмий далиллар етарли эмас. Шунга қарамай, кўпгина тадқиқотчилар (*Ричардсон Р.*, 1994; *Дрисколл Р.*, *Икстейн Д.*, 2003; *Бразингтон Р.*, 2003 ва бошқалар) шахснинг сиблинг мақоми унинг шахсига, эр-хотинлик ва ота-оналик мақомларига, дўстлар билан муомаласига, ишда раҳбарият ва ҳамкасблар билан ўрнатадиган мулоқотларининг характерига таъсир этишини ўрганишган. Эмпирик маълумотлар бундай боғлиқликларнинг тўрт тури мавжудлигини таъкидлайди: тўнғич фарзанд, ўртанча фарзанд, кенда ва ёлғиз фарзанд.

Республикамизнинг етакчи психолог олимларидан Ғ.Б.Шоумаров ўз тадқиқотлари натижаларига таяниб, оиланинг мустаҳкам бўлиши, эр-хотин муносабатларида ўзаро қовушиш муҳим роль ўйнайди деб кўрсатади. У ўзаро қовушувларни шартли равишда 3 таркибий қисмга бўлинишни эътироф этади. Улар: 1) биологик қовушув, 2) психологик қовушув, 3) социал қовушув.

Баъзи ҳолларда мижоз тури жиҳатидан келин-куёвлар мос келмаса-да, лекин улар орасидаги ҳиссиёт кучи, психологик-педагогик билим савияси, оилавий ҳаётни мустаҳкамлашга интилиш, тарбия ва маданий савия даражаси, ўзаро муносабат маромлари уларнинг ўзаро қовушишини, оиланинг мустаҳкамлигини таъминлай олади.

Келин-куёвларда альтуризм (меҳр-муҳаббат) худбинликдан устун бўлса, ҳар қандай тафовут, келишмовчилик оилавий турмуш учун хавф туғдирмайди. Шунингдек, психологик қовушувда марказий ўринни шахс психологиясининг таркибий қисмларидан бири бўлган феъл-атвор ва характер эгаллаши алоҳида таъкидланади.

Г.Роланд ўз тадқиқотларида оиладаги шахслараро муносабатдан қониқиш учун зарур коммуникатив сифатларни ажратиб кўрсатган:

1. Мулоқотмандлик. 2. Оилада юқори даражадаги ўзаро тушуниш.

3. Эр-хотинларнинг жинсий қониққанлиги. 4. Эмоционал қўллаб-қувватлашнинг мавжудлиги ва ишонч. 5. "Уй" ни оиладаги ҳамжиҳатликни белгиловчи маскан деб қараш (Roland 98).

Психологик адабиётларда ажримларнинг табиати, бу жараёнга оид қонуниятлар илмий нуқтаи назардан берилади. Масалан, *С.Краховил* ажрим жараёнининг қуйидаги босқичларини ажратади:

• *Бош қўтариш босқичи*: хўрланган ва норози аёл ўз фаоллигини ошириб, ажрим содир бўлмаслигининг олдини олиб учун муайян сайёҳ-ҳаракатларга киришади. Лекин барча ишларни хавотирлик ва ҳаяжон билан амалга оширгани сабабли, кўп хатоларга йўл қўяди ва номаъқул ишлар ҳам қилиб қўйиши мумкин;

• *Тушқунликка тушиш босқичи*: ажралишни хоҳламаган томон вазиятни бошқара олмаганлигини тан олиб, тушқунлик, депрессия ҳолатига тушади, ва энди ўзини ҳам айблай бошлайди;

• *Бўйинга олиш босқичи*: ажралишни хоҳламаган томон энди мавжуд ҳолат билан келишиб, бундай никоҳнинг бўлганидан бўлмагани маъқуллиги фикрига келади.

Албатта, шуни таъкидлаш жоизки, айрим ҳолларда иккала томон онгли равишда, ўзаро келишиб, бир-бирларига тана-дашном бермайдилар ва бундай ажримлар юқорида кўрсатилган босқичларсиз содир бўлади. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти қурилаётган давлатларда ажримлар масаласига ҳам демократик тарзда қаралади, яъни, бу икки томоннинг ёки бирининг манфаатига мос келиши инobatга олиниб, ажрим содир этилади, лекин бундай ҳолатларда, айниқса, ёш боласи билан қолган она ижтимоий-психологик ёрдамга, жамият томонидан кўрсатиладиган мададга муҳтож бўлади.

Назорат саволлари:

1. Оилавий муносабатларга таъриф беринг.
2. Оила функциялари қандай?
3. Оилавий низолар ҳақида нималар биласиз?
4. Оилада фарзанд тарбияси усубининг қандай турлари бор?
5. Ажрим бўлиши босқичлари қандай?
6. Г.Роланд ўз тадқиқотларида оиладаги шахслараро муносабатдан қониқиш учун зарур қандай сифатларни ажратиб кўрсатган?

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Каримова В. Оила психологияси: Педагогика олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. – Т.: 2008 – 152 б.
2. Шоумаров Ғ.Б. ва б. Оила психологияси. - Т.: “Sharq”, 2001 у.-272 б.
3. Андреева Т.В. Семейная психология. – СПб.: Речь, 2004.-244 с.
4. Карабанова О.А. Психология семейных отношений и основы семейного консультирования: Учебное пособие. М.: Гардарики, 2005. 320 с.
5. Шнайдер Л.Б. Семейная психология: Учебное пособие для вузов. 2-е изд. М.: Академический проект. 2006. – 768 с.
6. Эйдемиллер Э.Г., Добряков И.Б., Никольская И.М. Семейный диагноз и семейная психотерапия. Учеб. пособие для врачей и психологов. СПб.: Речь, 2003. 336 с.
7. Алешина Ю.Е. Индивидуальное и семейное психологическое консультирование. – М.: Класс, 2004.
8. Шоумаров Ғ.Б Шоумаров Ш.Б. Муҳаббат ва оила. – Тошкент, «Ибн Сино», 1994 й. 120с.
9. Каппенберг Р.П. Семейное кризисы // Психологическая энциклопедия. Изд. 2-е / Под ред. Р. Корсини, А. Ауэрбаха. – СПб.: 2003. – С. 795-796.
10. Осипова А.А. Общая психокоррекция. Учеб. пособие. М.: СФЕРА, 2002 г. 510 с.
11. Ғайибова Н.А. “Ўсмир сиблинг мақомининг тенгқурлари билан бўладиган шахслараро муносабатларга таъсири”. Монография Т.: -2016.
12. Шапарь В.Б. Практическая психология. Психодиагностика отношений между родителями и детьми. – Ростов н/Д: Феникс, 2006.– 432 с. С 370
13. Эйдемиллер Э.Г. Методы семейной диагностики и психотерапии: Методическое пособие. – М.: 1996.
14. Думитрашку Т.А. Влияние внутрисемейных факторов на формирование индивидуальности // Вопросы психологии. 1991. № 1.
15. Голод С.И. Семья и брак: Историко-социологический анализ. – СПб.: 1998 г.
16. Бейкер К. Теория семейных систем М. Боуэна //Вопросы психологии. 1991. № 6.

3-мавзу: Оиладаги инқирозлар ва уларнинг оқибатлари

Режа:

1. Ҳаётий қийин вазиятлардаги оила.
2. Оилавий стресс ва копинг тушунчалари.
3. Оиладаги инқирозлар ва уларнинг оқибатлари.
4. Оилавий муносабатлар бузилиши ва уларнинг сабаблари.
5. Оилавий зиддиятларнинг эр-хотин ва фарзандлар тақдирига таъсири.

Таянч иборалар: стресс, жамоа, оилавий инқироз, ўзаро мослик, психологик муҳит.

Ҳаётий қийин вазиятлар, тадқир тақозоси билан айрим оилаларда низолар келиб чиқади ва унинг оқибати сифатида никоҳ барбод бўлади. Олимлар никоҳнинг барбод бўлишини ўрганиб, унинг сабаблари турлича бўлиши мумкинлиги тўғрисида ўз назарий қарашларини баён этганлар. Масалан, айрим психологлар ажримларни “туртки” концепцияси орқали тушунтиришга уринадилар. Яъни, яхши тинч-тотув яшаётган оилада бирдан шундай ҳолат юз берадики, масалан, хиёнат, ўлим, хасталик, рашк ва шунга ўхшаш воқеалар турки бўлдию, оила устун қулайди. Аслида ҳаётда кўкқисдан шундай бир силкиниш ёки туртки билан оила бирдан бузилиб кетиши кам учрайди.

Яна бир ҳолат олимлар фикрича, “орқага кетиш” деб номланади. Бу шундай ҳолатки, унга кўра, эр ва хотинни яхши, илиқ муносабатлар боғлаб турган, лекин айнан муҳаббат бирдан совиб, эр-хотин бир-бирини кўрса ғаш келадиган, гаплари ёқмайдиган, низокаш бўлиб қолади. Бундай воқеалар ҳаётда тез-тез учрайди. Сабаби – бирдан ёнган олов, яъни, муҳаббат, маълум вақт ўтгач ўчиши, сўниб қолиши мумкин.

Шу каби ҳолатлар ва ундан бошқа сабаблар туфайли оила ажримларининг содир бўлиши барча замонлар ва даврларда ҳам кузатилган. Фақат никоҳнинг барбод бўлиши шакллари ва сабабларида ҳар бир даврда ўзига хос асослар бўлган дейиш мумкин. Масалан, Шарқ мамлакатларида қадимдан никоҳнинг барбод бўлиши энг кам учрайди, деб ҳисоблаб келинган. Чунки оила институтининг пойдевори мустаҳкам бўлишига аجدодларимиз қайғурганлар. Етти пуштини суриштириш, совчилик институти орқали бир-бирига мос келадиган ёшларнинг тақдирини боғлаш, ҳаттоки, узоқ қариндошлар ўртасидаги никоҳлар, яъни, олдиндан бир-бирларини билган одамларнинг ўзаро келишуви, меҳр ва муҳаббат ришталари орқали оила қуриш ўзбекчиликка хос одатлар сифатида қадрланган ва таъкидлаб ўтилган никоҳ мотивларининг барчасида оқилона фикр юритиш, ёшлар ва улар ота-оналарининг “етти ўлчаб бир кесиши” оиланинг мустаҳкам бўлиши учун замин ҳисобланган.

Никоҳ ажримларига келсак, бундай ҳолат Шарқ халқларида ҳам, бизда ҳам содир бўлган. Эски манбаларда никоҳ ажрими сабаб бўлган омиллар сифатида аввало, эр ёки хотинда тўйдан кейин аниқланган наслий хасталиклар, кўп ҳолатларда эркак кишининг, айрим ҳолатларда аёлнинг

бошқа инсон билан “тил” топишиб кетиши, бообрў ва мансабдор шахснинг келинчакни ёктириб қолиши ва зўрлик билан эски оилани бузишга мажбур қилишлар, фарзандсизлик, аёлнинг бепуштлиги сабаб эркакнинг хотинни талоқ қилиши, иқтисодий ночор ёш оиланинг ўз рўзғорини юрита олмаганлигидан аёлнинг бошқа одамга турмушга чиқишга мажбур бўлиб қолиши каби сабаблар қайд этилган. Муҳими шунки, никоҳнинг барбод бўлишидаги ташаббус асосан эркак кишининг қўлида бўлган. Агар у хоҳласагина никоҳ барбод бўлган. Агар мабодо аёл ташаббус кўрсатса, у қаттиқ жазоланган, жамоатчилиқ уни қоралаган, ҳаттоки, тош бўрон қилинганлиги тўғрисида қадимги тарихдан, эски кинофильмлардан маълум.

Бошқа халқларда ҳам ўзига хос анъаналар мавжуд бўлган. Масалан, қадимги Хитойда никоҳ ажримига олиб келадиган сабабларга эрнинг ота-онаси раъйига қарамаслик, уларга келиннинг гап қайтариши, бетга чопарлик, бепуштлик, маҳмадоналик, бедаво хасталик, рашк кабилар кирган. Лекин юқоридаги ҳолатлар бўлса-ю, аёл эрининг ота-онасига аза тутаётган бўлса ёки у чин етим бўлса, эри уни барибир уйдан хайдаб юбора олмаган.

Қадимги Грецияда эса никоҳ ажримини содир этиш анча енгил бўлган. Эр гувоҳлар олдида хотинига у билан ортиқ яшай олмаслигини, никоҳи бузилганлигини айтган, аёл барча сеп-суриқларини йиғиштириб, ўз ота-онасининг оиласига қайтиб кетаверган. Сарпо суриқлар, аёлга тегишли барча нарсаларнинг унга берилиши мажбур ҳисобланган, ҳаттоки, ажримнинг сабаби аёлнинг хиёнати бўлган тақдирда ҳам мол-мулк, зийнатлар аёлга берилаверган. Лекин аёл эри билан яшашни хоҳламай қолган ҳолатларда унинг ажрим олиши мушкулроқ бўлган, бундай пайтларда хотин шаҳар ҳокимига ёзма равишда расмий мурожаат қилиши, ва улар қарор қабул қилиши лозим бўлган. Бундай ҳолларда ким айбдор деб топилишидан қатъий назар, болалар отаси билан қолдирилган.

Римликларда ҳам ажримлар илгаридан одатий ҳолдай қаралган. Тарихдан маълумки, шоир *Овидий* ва тарихчи *Плиний* уч марта уйланганлар, *Юлий Цезарь* ва *Антоний* эса тўрттадан хотинга эга бўлганлар. Бу каби тарихий ҳодисалар манбаларда, тарихий фильмларда яхши акс эттирилган.

Қадимги Ҳиндистонда эса никоҳ оддийгина фуқаролар иттифоқи эмас, илоҳий иттифоқ сифатида қаралиб, никоҳ ришталарининг бузилиши ниҳоятда ғайритабиий ҳолат деб баҳоланган. Никоҳнинг бузилиши фақат эр ташаббуси ва аёлнинг катта гуноҳи туфайли рўй бериши мумкин бўлган. Эрамизгача бўлган икки мингликлардан қолган манбаларда кўрсатилишича, “саккиз йил мобайнида бола туғмаган аёл бошқасига алмаштирилиши мумкин, ўлик бола тукқан – ўнинчи йили, фақат қиз болаларни туғадигани – ўн биринчи йили, урушқоқ, бедаби эса ўша заҳоти эр томонидан қўйиб юборилиши мумкин” бўлган. Кейинчалик ҳиндлар ҳам ажримлар сиёсатини қайта кўриб чиқиб, энди никоҳ қуйидаги ҳолатларда ҳам барбод бўлиши қайд этилган: агар аёл эрининг барча бойликларини исроф қилиш, ноўрин ишлатган бўлса, аборт йўли билан фарзандини йўқотган бўлса ва эрининг ҳаётига суиқасд қилган бўлса. Аёл эса фақат икки ҳолатда эридан ажрим талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган: эри бепушт бўлиб, ўз эрлик вазифасини

бажара олмай қолган бўлса ва содир этган гуноҳи учун уни қавмдан чиқариб юборилган бўлса.

Шунга ўхшаш никонинг барбод бўлиши шакллари ҳам, унинг мотивлари ҳам турфа хил. Кўпгина халқларда ажримларнинг мотиви сифатида эр-хотин хиёлати қайд этилади. Шуниси характерлики, эркаларнинг хиёлатидан кўра аёлнинг хиёлати барча маданиятларда ҳам қаттиқроқ қораланади, чунки бунинг асосий сабаби – хиёлаткор аёл бошқа эрка билан учрашиб юриб, ундан ҳомиладор бўлиб қолиши ва никоҳсиз бегона боланинг туғилишига сабабчи бўлиб қолиши мумкин. Яъни, бунда нафақат оиланинг балки янги туғилган боланинг манфаати жиддий зарар кўради, чунки бу болада кимнинг ҳақи борлиги, кимнинг мол-мулкига у ворис бўла олиши масаласи ўйлантиради.

Лекин эр-хотиннинг хиёлатига бефарқ қарайдиган халқлар ҳам Ер юзида топилади. Масалан, Африкадаги динка қабиласида эр агар хотини унинг назарида нодонроқ бўлса ҳам, бемазароқ овқат пиширса ҳам у билан ажрашиб кетаверади. Эрканинг бегона аёл билан “дон олишиб юриши” ҳеч кимни қизиқтирмайди, ҳаттоки, қонуний хотини ҳам бунга унчалик аҳамият бермайди. Шу каби Ассама оролида яшайдиган қабила ҳам ажрашишда бир-бирининг қўйи ёки юқори табақадан эканлигига қараб қарор чиқаради. Масалан, агар аёл юқори табақа оила вакиласи бўлса, у никоҳни бекор қилиш ва бошқа эрка билан яшаб кетавериш ҳуқуқига эга бўлади.

Албатта, мусулмон халқларида оила қанчалик қадрланса, талоқ ёки ажралиш ҳолатлари шунчалик таҳқирланган. Шу нуқтаи назардан мусулмон оламида ўзига хос шарият қонунлари ишлаб чиқилган бўлиб, улар асрлар оша оила-никоҳ муносабатларини тартибга солишда муҳим омил бўлган. Қуръони-Каримнинг қатор сураларида, жумладан, унинг “Бақара” сурасида эр ва хотиннинг ўзаро инсоний ва мулкӣ муносабатлари, фарзандни дунёга келтириш ва уни вояга етказишда ота-оналик масъулияти ва бурчлари баён этилган. Унда “талоқ”нинг Аллоҳ томонидан буюрилган, лекин унинг ўзига энг номаъқул бўлган амалдан эканлиги таъкидланган. Демак, мусулмончиликда оиланинг бузилиши “қуш инининг бузилиши” каби ёмон, нохуш оқибатларни келтириб чиқарувчи омил сифатида қаралади. Мусулмон қоидаларига кўра аёлнинг никоҳ ажримининг ташаббускори бўлишлик қораланади, лекин вазият талаб қилганда аёл ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилмаган ҳолад эрининг уйидан кетиши мумкин. Эрка эса агар билмай “Талоқ” сўзини ишлатиб қўйган бўлса, ўз аёлига қайта учиничи мартагача уйланиши мумкин, лекин уч мартадан кейин унинг яна уйланиши қатъият ман этилади. Табиий, ҳозирги шароитда ҳуқуқӣ давлат қуриш шароитида бундай шаръӣ қоидаларга эмас, амалдаги қонунларга кўра ажрим ҳолатларини мувофиқлаштирилади. Унинг қоидалари Ўзбекистон Республикасининг “Оила Кодекси”нинг “Никоҳнинг тугатилиши” деб номланган 7 бобнинг 37-48 моддалри ҳамда “Никоҳдан ажралишни қайд этиш” деб номланган 26 бобнинг 218-222 моддалари билан тартибга солинган.

Россияда ўтказилган охириги тадқиқотларда¹ никоҳ ажримларининг асосий сабалари сифатида қуйидагилар қайд этилмоқда(турли ёшли сўралувчиларнинг жами сонига нисбатан фоиз ҳисобида):

- *моддий, маиший муаммолар* – 55;
- *эр ёки хотиннинг ичкиликка ружу қўйиши* – 39;
- *ёшлар учун оилавий қадриятларнинг пастлаб кетиши* – 27;
- *эр-хотин хиёлати* – 19;
- *психологик мос келмаслик* – 17;
- *оилавий ҳаётнинг мазмунсизлиги* – 12;
- *бошқа бировни севиш қолиши* – 11;
- *фарзандларнинг йўқлиги* – 7;
- *бошқа сабаблар* – 2;
- *жавоб беришга қийналганлар* – 6.

Республика “Оила” илмий-амалий маркази томонидан никоҳ ажримларининг сабаблари ўрганилганда, аксарият ҳолатларда бу биринчи ўринда эр-хотинларнинг ўзаро келишмовчиликлари, феъл-атворнинг бир-бирига мос келмасликлари, рашк, хиёнат, келин билан қайнона ва бошқа яқин қариндошларнинг чиқишмасликлари, эркакнинг зарарли одатларга берилиб кетиши (ичкиликка, гиёҳванд моддаларга ва шу каби), моддий қийинчиликлар (асосан эрнинг ишламаслиги, мустақил оилани бошқара олмаслиги), қудаларнинг тўйдан кейин ўзаро келишмай қолишлари, эрнинг дараксиз кетиб қолиши кабилар қайд этилади. Пойтахт бўйича ажримлар сабаблари ўрганилганда, иқтисодий қийинчиликлар туфайли оиланинг бузилиши энг охириги ўринда қайд этилади, чунки аксарият ўзига тўқ, бой-бадавлат оилаларда ёшлар асосан уч сабаб туфайли ажришиб кетмоқда: рашк ва хиёнат, келин-қайнона муносабатларидаги келишмовчилик ва турмуш шароитидаги ноқулайликлар. Умуман олганда, никоҳ ажримларининг бош омили ёшларни маънавий жиҳатдан турмуш қуришга тайёр эмасликларидир. Амалда эр ва хотин ажралишга аҳд қилганда, улар ўртасида фарзанд бўлмаса, ФХДЁ идораларига мурожаат қиладилар ва уларнинг никоҳи бекор қилинади. Агар ўртада фарзанд бўлса, бу ишни судлар хал қилади, лекин аксарият ҳолатларда ўз-ўзини бошқариш органи бўлмиш маҳалла ва ундаги яраштириш комиссиясининг аъзолари бўлмиш фаоллар бунга аралашадилар, арзимаган сабаб билан ажримгача бораётган ёшларга жамоатчилик монелик кўрсатади. Чунки миллий менталитетда фарзандни тирик етим қилиб қўйиш катта гуноҳ ҳисобланади, шунинг учун азалдан урф бўлган тамойил борки, ёш оиланинг кейинги тақдирига катталар аралашади ва оилавий низонинг сабаблари ўрганилгач, бир қарорга келинади. Агар оилавий низо ёшларнинг, биринчи навбатда аёлнинг ва фарзандларнинг саломатлиги, тинчлиги ва биргаликда яшашларига жиддий хавф солган ҳолларда (хиёнат туфайли бир-бирини кечиролмаслик, эрнинг тинимсиз алкоголь истеъмол қилиши туфайли аёлни мунтазам қийнаши, маиший зўравонлик, оила бюджетига эркак улушининг қўшилмаслиги каби) жамоатчилик аёлнинг ҳақ-ҳуқуқларини

¹Иванова Л.В. Ваша свадьба. – Смоленск: Русич, 1999. – С. 78-84.

ҳимоя қилади ва маҳалланинг ўзи аёл, унинг фарзандлари тақдирини белгилаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида бу ишга аралашади. Жойлардаги хотин-қизлар фаоллари охириги йилларда айнан шу масалаларда ўз-ўзини бошқарув органларининг одилона фаоллигини оширишга алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Маҳалладаги яраштириш комиссияларининг аъзолари билан ўтказилган суҳбатлардан маълум бўлдики, улар аксарият ҳолатларда айнан аёлларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш билан шуғулланади, лекин аёлнинг айби ва унинг оилавий юмушларга тайёр эмаслиги, эри ва қариндошлар билан тўғри муносабатларни ўрнатишга нўноқлиги туфайли оила ажрим арафасида бўлган шароитда маҳалла маслаҳатчилари келин билан маърифий ва тарбиявий ишларни амалга оширади. Масалан, Самарқанд вилояти бўйича маълумотларга эътибор берадиган бўлсак, 2006 йилнинг 10 оyi мобайнида жами 20711 та никоҳ қайд қилинган, судлар орқали 59 та ва ФХДЁ идоралари бўйича 148 та никоҳ ажримлари қайд этилган. Жами яраштирилган оилалар сони 23 та ташкил этган бўлса, 2005 йил мобайнида Самарқанд шаҳри бўйича судга ажралиш ҳақида даъво аризаси берганлар сони 885 ни ташкил этган, катталарнинг ва маҳалланинг аралашуви билан 162 та оила сақлаб қолинган, барчасида аёллар ва болаларнинг манфаатлари ҳимоя қилинган.

ФХДЁ органларидан олинган рақамлардан маълум бўлмоқдаки, охириги йилларда ФХДЁ органлари орқали содир бўлаётган ажримлар сони ортмоқда, бунинг асосий сабаби – эр ёки хотиннинг, ёки иккаласининг бепуштлигидир. Миллий менталитет нуктаи назардан қаралганда, 1-2 йил ичида ўртада фарзанднинг бўлмаслиги, минг афсуски, ёш оиланинг бузилишига сабаб бўлмоқда, бунда оиланинг катталари кўпроқ салбий роль ўйнайди, яъни, бу борада сабрли муносабат хали шаклланмаган.

Ўзбекистонда никоҳ ажримларининг имкон даражасида кам бўлиши йўлида олиб борилаётган ишлар ўзининг натижаларини бермоқда. Йил сайин судлар орқали никоҳ ажримлари сонининг камайиб бораётганлиги фикримз далилидир. Қуйидаги жадвалда охириги йилларда никоҳ ва ажримлар коэффицентлари келтирилган.

Рақамлардан кўриниб турибдики, 1000та қайд этилган никоҳга нисбатан олинганда, 1989 йилга нисбатан (14,6) 2006 йилда ажралишларнинг миқдори камайган ва 10,8 ни, 1000 нафар аҳоли сонига нисбатан ҳисоблаганда ҳам 2006 йилда салкам 0,6 промиллини ташкил этди. Бу МХД орасидаги энг ижобий кўрсаткичдир. Лекин абсолют миқдорда ҳисоблаганда, расмий никоҳлар сонининг охириги 5 йил мобайнида ўсиб бораётганлигини, никоҳдан ажралганликнинг абсолют миқдори эса, аксинча, камайиб бораётганлигини (2004 йилда 17393 тани, 2005 йилда 16392 нафарни, 2006 йилда – салкам 15000) таъкидлаш мумкин².

Оилалар миқдорининг ортиб бориши охириги йилларда асосан ёш оилалар ва нуклеар типли, яъни, эр-хотин ва уларнинг фарзандлари алоҳида яшайдиган оилалар ҳисобига содир бўлмоқда. Мавжуд оилаларнинг салкам

²Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасининг маълумотлари.

50 фоизи – бу нуклеар оилалар, бир хонадонда бир неча алоҳида оилалар истиқомат қиладиган патриархал оилалар жами оилаларнинг салкам **23,5** фоизини ташкил этади. Нуклеар, ёш оилаларнинг аксарияти 9 йилдан кам бўлган турмуш тажрибасига эга бўлганлар бўлиб, содир бўлаётган никоҳнинг барбод бўлиши ҳолатлари айнан шу каби оилаларга тўғри келмоқда. Яъни, илмий изланишлардан олинган маълумотларга кўра, 70 фоиздан ортиқ никоҳ ажримлари ёш оилага тўғри келади.

Нотўлиқ оила – ёлғиз онахон ёки отахонлар, эр ёки хотиннинг ўлими туфайли нотўлиқ бўлган оилалар, ёки ажрим туфайли пайдо бўладиган оила типидир. Афсуски, охирги сабаб бўйича нотўлиқ бўлган оилалар бошқа тоифага нисбатан кўп. Ажрим бўлган оилаларнинг салкам 1% дагина болалар отанинг қўлида қолади. Қолган ҳолатларда вояга етмаган болалар оналари билан қолади. Бу оналарнинг ўртача ёши **23-24** ёшни ташкил этади, уларнинг қўлида қолган болаларнинг ўртача сони 2,5 нафардир. Ёлғиз фарзанд тарбиялаётган ёш аёлларнинг маълумотлилиги ўрганилганда, уларнинг аксарияти ўрта ва тўлиқсиз ўрта маълумотли эканлиги эътироф этилган (20,5%). Ёш турмуш кураётган қизларимизнинг 12,3%и 15-19 ёш оралиғида она бўлишади. 15-16 ёшда она бўлиш ҳолатлари ҳам хануз мавжуд бўлиб, 2006 йилда улар сони 95 нафарни, ёки жами туққанларнинг 0,01%ини ташкил этди (2005 йилда 117 нафар эди, ёки 0,02%), 17-19 ёшда она бўлган аёллар сони 19419 нафар бўлиб, бу жами туққанларнинг 3,6 фоизини (2005 йилда мос равишда 19147 ёки 3,7%) ташкил этди. Уларнинг ҳар 10 тасидан биттаси (10,6%) талаба қизлардир.

Психологик адабиётларда ажримларнинг табиати, бу жараёнга оид қонуниятлар илмий нуқтаи назардан берилади. Масалан, *С.Краховил* ажрим жараёнининг қуйидаги босқичларини ажратади:

- *Бош қўтариш босқичи:* хўрланган ва норози аёл ўз фаоллигини ошириб, ажрим содир бўлмаслигининг олдини олиб учун муайян сайъи-ҳаракатларга киришади. Лекин барча ишларни хавотирлик ва ҳаяжон билан амалга оширгани сабабли, кўп хатоларга йўл қўяди ва номаъқул ишлар ҳам қилиб қўйиши мумкин;

- *Тушкунликка тушиш босқичи:* ажралишни хоҳламаган томон вазиятни бошқара олмаганлигини тан олиб, тушкунлик, депрессия ҳолатига тушади, ва энди ўзини ҳам айблай бошлайди;

- *Бўйинга олиш босқичи:* ажралишни хоҳламаган томон энди мавжуд ҳолат билан келишиб, бундай никоҳнинг бўлганидан бўлмагани маъқуллиги фикрига келади.

Албатта, шуни таъкидлаш жоизки, айрим ҳолларда иккала томон онгли равишда, ўзаро келишиб, бир-бирларига тана-дашном бермайдилар ва бундай ажримлар юқорида кўрсатилган босқичларсиз содир бўлади. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти қурилаётган давлатларда ажримлар масаласига ҳам демократик тарзда қаралади, яъни, бу икки томоннинг ёки бирининг манфаатига мос келиши инobatга олиниб, ажрим содир этилади, лекин бундай ҳолатларда, айниқса, ёш боласи билан қолган она ижтимоий-психологик ёрдамга, жамият томонидан кўрсатиладиган

мададга мухтож бўлади.

Инқирозли оила ёки мушкул аҳволга тушиб қолган оналар, уларнинг фарзандлари билан психологик-педагогик ёрдам ишларини ташкил этиш асосан қуйидаги йўналишларда ташкил этилади:

- *диагностик;*
- *коррекцион;*
- *профилактик;*
- *маърифий.*

Инқирозли оила билан ишлаш аввало шундай ҳолатга тушиб қолган оилаларнинг талаб-таклифлари асосида, ёки у ёки бу ҳудуддаги оилаларнинг аҳволини ўрганиш натижаларига кўра амалга оширилади. Масалан, Ўзбекистон шароитида жами оилаларнинг салмоқли қисми ёш оилалар тоифасига кириши, уларда муайян муаммоларнинг, ижтимоий ҳамда психологик муҳофазага эҳтиёжни сезитиши табиий бўлгани учун ҳам бундай хизмат шаҳобчалари бир томондан, талаб ва таклиф асосида ташкил этилади, иккинчи томондан, давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан оилани муҳофаза қилиш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва ёрдам бериш ўз-ўзини бошқариш органлари, “Оила” марказлари, ёшларнинг “Камолот” ижтимоий ҳаракатига юкланганлиги учун тавсия ва кўрсатмалар асосида ҳам ташкил этилади. Қандай шаклда бўлмасин, бундай марказлар ёки хизмат турларига турли инқирозли шароитни бошдан кечирган оилага ёрдам кўрсатиш уларнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Жамоатчилик ташаббуви билан ташкил этилган шундай хизмат турларидан бири мамлакатимизнинг турли туман ва шаҳарлари марказларида ташкил этилган Ёшлар ижтимоий кўмак марказлари бўлиб, унинг қошида ташкил этилган “Ёш оилага ижтимоий ва психологик хизмат кўрсатиш” бўлимлари, ундаги “Ишонч телефонлари” оила аъзоларига маърифий, маънавий, ахборот, психологик хизматларни амалга оширади.

Оилага ижтимоий-психологик хизмат марказлари кимнинг буюртмаси билан фаолият бошлагани, унинг фаолияти самарасини ким мониторинг қилишидан қатъий назар, у қуйидаги тоифа инсонларга хизмат кўрасатади:

- *болалар;*
- *ота-оналар;*
- *яхлит оила.*

Оилада тарбияланаётган болалар муаммолари билан шуғулланадиган ижтимоий-психологик хизмат марказлари асосан улар билан диагностик ва психокоррекцион йўналишларда иш олиб боради.

Диагностик йўналишдаги ишлар ўз ичига қуйидаги вазифаларни камраб олади:

- Бола психик тараққиётида содир бўлаётган муаммолар, чекинишлар ва уларнинг асл сабабларини диагностика усуллари ёрдамида аниқлаш;
- Бола нормал тараққиёти жараёнида аниқланган муаммолари жиҳатлар ва уларни бартаарф этиш билан боғлиқ ишлар;
- Бола психик тараққиётидаги патологиялар ва уларни қисман бўлса-да

бартараф этиш, келиб чиқиш сабабларини ота-онага билдириш ҳамда ҳамкорликда болага ёрдам бериш чораларини белгилаш.

Бола саломатлиги ва унинг ҳасталикларини психик ҳаётга алоқадорлиги бевосита эканлигини аниқлаган психолог – маслаҳатчи ота-она билан биргаликда муаммонинг ечимини излайди ва бу билан оила муҳитини яхшилашга ҳисса қўшади.

Болалар ўртасида олиб бориладиган **профилактик ишлар** асосан аввалдан белгиланган режа бўйича амалга оширилади. Профилактиканинг мақсади – болада аномал ҳолатларнинг олдини олишдир. Албатта бунда ҳам психолог мутахассис психодиагностик воситалардан фойдаланди, лекин унинг вазифаси энг аввало болада рўй бериши мумкин бўлган патологик жараёнларнинг олдини олишдир. Чунки оилавий низолар, оилавий муносабатларнинг издан чиқиши шу оила муҳитида тарбияланаётган боланинг асаб тизимига, психологик ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Оиласида муаммо бўлган болалар ўртасида олиб бориладиган **коррекцион-тузатиш билан боғлиқ чора-тадбирлар** ҳам диагностик амалиёт билан биргаликда амалга оширилади. Бунда диагностика орқали аниқланган ҳулқдан чекиниш ҳолатлари боланинг ёши, оилавий шароити, қизиқиш ва иқтидори инобатга олинган ҳолад малакали амалиётчи психолог томонидан амалга оширилади. Бунда бевосита бола онги ва фикрлаш тарзига таъсир кўрсатилади, шунинг учун бундай тадбирлар мактабгача тарбия ёшидаги болалар ўртасида ўтказилади.

Ота-оналар билан психологик-педагогик профилактика ишлари оилада эр ёки хотин томонидан бир-бирларига нисбатан ноўрин, бешавқат муносабатлар содир этилганда амалга оширилади. Шунинг учун амалиётчи психолог энг аввало эр-хотинларнинг қай бири кўпроқ айбдор ва қайси бирининг инсоний шаъни ва ҳуқуқлари паймол этилганини аниқлаши даркор. *С.Ковалевнинг* фикрича, низокаш эр-хотинларнинг дастлабки мулоқотда психологга берган маълумотлари ҳар доим ҳам ҳаққоний, объектив бўлавермайди. Психолог хизматида фойдаланишни истаган шахснинг ўзи муаммони аниқ нимада эканлигини баён этолмайди. Масалан, эридан нолиган хотин эрнинг қай даражада ноҳақлиги ёки нима сабабдан ундан кўнгли қолганлигини аниқ айтиб беролмайди. Айниқса, бундай ҳолатларда низоли вазиятни келтириб чиқарган “айбдор” бола бўлиб чиқса, иккала томон ҳам ўзича ҳақ ва уларнинг иккисини жанжаллашишга туртки бўлган омил уларнинг фарзандини севиши бўлиб чиқади.

Рус олими *В.В.Столин* психологик хизмат марказларига норозилик билан мурожаат қилган ота-оналарнинг шикоятлари мазмунини ўрганган ва уларни тоифаларга бўлган:

1. Боласидан ташвишланган ота-онанинг мурожаати. Аслида баъзи мурожаатлар ўринсиз бўлиб, ота-онанинг ортиқча жонсараклиги, хавотирчанлиги туфайли келиб чиқади, улар ҳар эҳтимолга қарши болсини парваришлаш, тарбиялашга адашиб кетмасликдан қўрқиб психолог қабулига келади.

2. Шикоятли мурожаат ота-онанинг болага муносабатининг ўзидан келиб чиқади. Чунки аслида бола ота-она ишора қилаётган ташвишлардан, нуқсонлардан холи бўлмайди. Масалан, онанинг фикрича, боласи уни ёқтирмайди, унинг айтганларини қилмаяпти, аслида унинг ўзи болага етарли ва ўринли меҳр беролмайди.

3. Шикоят қисман ёки мутлоқ асосли, чунки болада ҳақиқатан ҳам ота-онага, яқинларига, яхши кўрган нарсаларига нисбатан нотўғри муносабат шакллана бошлаган ёки анчадан буён намоён бўлмоқда. Бу нуқсонлар асосан ота-она ва бола ўртасидаги муносабатларга алоқадорлиги психолог аниқлайди.

4. Бола хулқидаги оғишлар ва уларга боҳлиқ хатти-ҳаракатлар ота-онани жиддий ташвишга солади. Лекин бундай ҳолат умуман оилавий ўзаро муносабатларнинг дарз кетганлигини оқибати бўлиши мумкин. Бу одатда боланинг ота-онаси билан нормал муносабатда эканлигини кўрсатади, лекин хулқидаги номувофиқликлар боланинг ўқиши, интизоми, мактабдаги бурчларини тўла бажармаётганлиги билан боғланади.

5. Боланинг ота-онаси билан муносабати ёмонлигининг сабаби – асосан катталарнинг болага нисбатан адолатсизлиги оқибати ҳисобланади. Бундай ҳолатларда ҳақиқатан ҳам боланинг психологиясида жиддий ўзгаришлар ва муаммолар бўлади ва ота-онанинг шикояти жиддий психологик тузатиш ишларини тақозо этади.

Юқоридаги каби шикоятлар ортиб борган сари охириги йилларда ота-оналарнинг ўз фарзандларини тўғри тарбиялашлари, ўзаро муносабатларини тўғри маромда ташкил этишлари борасида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Шундай лойиҳалардан бири “Ота-оналикнинг самарадорлиги тренинги” бўлиб, у рус олими *А. Аладьин* томонидан таклиф этилган. Бу тренинг ота-оналарда оилавий муносабатларда ўзини қандай тутиш, фарзандлар билан муносабатда қўлланиладиган энг самарали усуллар борасидаги билим, кўникма ва малакаларини оширишга йўлантирилган.

Ўзбекистон шароитида ҳам энди кенг кўлам ёзаётган хусусий ва давлат муассасалари таклиф этаётган “Оила сабоқлари”, “Ижтимоий психологик тренинглар” айнан эр-хотинларни ота-оналикка ва ўзаро муносабатларнинг турли жиҳатларига қаратилгандир. Республика “Оила” илмий-амалий маркази томонидан маҳаллаларда ташкил этилаётган “Ота-оналар университетлари”нинг асосий мақсади ва йўналиши ҳам айнан шу каби муаммоларни жойида, оила муҳитида ечишга катталарни ва ёшларни ўргатиш, уларда соҳлом муносабатлар психологиясини шакллантиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Назорат саволлари

1. Оилавий инқирз нима?
2. Оиладаги инқироз нималарда акс этади?
3. Оилавий стресс ва копинг деганда нима тушунаси?
4. Конформизм нима?
5. Оилага психологик ёрдам қандай кечади?
6. Ўзаро мослик деганда нимани тушунаси?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримова В. Оила психологияси: Педагогика олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. – Т.: 2008 – 152 б.
2. Шоумаров Ғ.Б. ва б. Оила психологияси. - Т.: “Sharq”, 2001 у.-272 б.
3. Андреева Т.В. Семейная психология. – СПб.: Речь, 2004.-244 с.
4. Карабанова О.А. Психология семейных отношений и основы семейного консультирования: Учебное пособие. М.: Гардарики, 2005. 320 с.
5. Шнайдер Л.Б. Семейная психология: Учебное пособие для вузов. 2-е изд. М.: Академический проект. 2006. – 768 с.
6. Эйдемиллер Э.Г., Добряков И.Б., Никольская И.М. Семейный диагноз и семейная психотерапия. Учеб. пособие для врачей и психологов. СПб.: Речь, 2003. 336 с.
7. Алешина Ю.Е. Индивидуальное и семейное психологическое консультирование. – М.: Класс, 2004.
8. Шоумаров Ғ.Б Шоумаров Ш.Б. Муҳаббат ва оила. – Тошкент, «Ибн Сино», 1994 й. 120с.
9. Каппенберг Р.П. Семейные кризисы // Психологическая энциклопедия. Изд. 2-е / Под ред. Р. Корсини, А. Ауэрбаха. – СПб.: 2003. – С. 795-796.
10. Осипова А.А. Общая психокоррекция. Учеб. пособие. М.: СФЕРА, 2002 г. 510 с.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот.

Оилавий кадриятлар, ролли муносабатларни психологик методикалар орқали ўрганиш

Ишдан мақсад: Оилавий кадриятлар, ролли муносабатларни психологик методикалар орқали ўрганиш

ОИЛАДА РОЛЛАРНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ (РРС)

Кўрсатма: Қуйида Сиздан оилавий ҳаётни ташкил этувчи баъзи вазиятларга тегишли бўлган саволлар берилган.

Ҳар бир савол учун маъқул бўлган жавобни танлашингиз ва жавоблар варақасига «юлдузча» билан белгилаб қўйишингиз мумкин.

1. Оиланинг қизиқиш ва манфаатлари эр ва хотиндан қайси бирига боғлиқ?
 - А) асосан бу эрга боғлиқ.
 - Б) кўпроқ эрга, лекин хотинга ҳам боғлиқ.
 - В) кўпроқ хотинга, лекин эрга ҳам боғлиқ.
 - Г) асосан бу хотинга боғлиқ.
2. Оиладаги умумий кайфият эр ва хотиндан кўпроқ қайси бирига боғлиқ бўлади?
 - А) асосан бу хотинга боғлиқ.
 - Б) кўпроқ хотинга, лекин эрга ҳам боғлиқ.
 - В) кўпроқ эрга, лекин хотинга ҳам боғлиқ.
 - Г) асосан бу эрга боғлиқ.
3. Агар зарурият пайдо бўлса, оилада ким биринчи навбатда қарзга ката пул топа олади, деб ўйлайсиз?
 - А) бу ишни хотин бажаради.
 - Б) буни биринчи навбатда хотин, лекин эр ҳам бажариши мумкин.
 - В) буни биринчи навбатда эр, лекин хотин ҳам бажариши мумкин.
 - Г) бу ишни эр бажаради.
4. Оилада ким кўпроқ меҳмон таклиф қилади, деб ўйлайсиз?
 - А) кўпроқ эр таклиф қилади.
 - Б) одатда эр, лекин хотин ҳам таклиф қилади.
 - В) одатда хотин, лекин эр ҳам таклиф қилади.
 - Г) кўпроқ хотин таклиф қилади.
5. Оилада уйнинг шинамлиги ва қулайлиги учун ким кўпроқ жон куйдириши керак деб ўйлайсиз?
 - А) асосан эр.
 - Б) кўпроқ эр, лекин хотин ҳам.
 - В) кўпроқ хотин, лекин эр ҳам.
 - Г) асосан хотин.

6. Эр ва хотиндан қайси бири одатда турмуш ўртоғини ўпиш, кучоқлашни биринчи бўлиб бошлаши керак деб ўйлайсиз?

- А) одатда эр.
- Б) одатда эр, лекин хотин ҳам.
- В) одатда хотин, лекин эр ҳам.
- Г) одатда хотин.

7. Оилада қайси газета ва журналларга обуна бўлишни ёки сотиб олишни ким ҳал қилиши керак деб ҳисоблайсиз?

- А) хотин ҳал қилади.
- Б) кўпроқ бу хотинга, лекин эрга ҳам боғлиқ.
- В) кўпроқ бу эрга, лекин хотинга ҳам боғлиқ.
- Г) эр ҳал қилади.

8. Кўпинча оилада кимнинг ташаббуси билан кино-театрларга бориш керак деб ҳисоблайсиз?

- А) эрнинг ташаббуси билан.
- Б) асосан эрнинг, лекин хотиннинг ташаббусига кўра ҳам.
- В) асосан хотиннинг, лекин эрнинг ташаббусига кўра ҳам.
- Г) хотиннинг ташаббуси билан.

9. Оилада ёш болалар билан ким ўйнаши керак деб ҳисоблайсиз?

- А) асосан хотин.
- Б) кўпроқ хотин, лекин эр ҳам.
- В) кўпроқ эр, лекин хотин ҳам.
- Г) асосан эр.

10. Яқин ишқий муносабатларда ҳар икки томоннинг қаноатланиши оилада кимга боғлиқ бўлиши керак?

- А) асосан бу эрга боғлиқ.
- Б) кўпроқ эрга, лекин хотинга ҳам боғлиқ.
- В) кўпроқ хотинга, лекин эрга ҳам боғлиқ.
- Г) асосан бу хотинга боғлиқ.

11. Деярли барча эр-хотинлар орасидаги яқин ишқий муносабатларда вақти-вақти билан қийинчиликлар бўлиб туради. Оилада бу аҳвол кўпроқ (билиб ёки билмаган ҳолда) кимга боғлиқ бўлади деб ҳисоблайсиз?

- А) кўпроқ эрга.
- Б) одатда эрга, лекин хотинга ҳам.
- В) одатда хотинга, лекин эрга ҳам.
- Г) кўпроқ хотинга боғлиқ.

12. Оилада кимнинг ҳаётий эътиқодлари ва тартиб қоидалари (ёлғонга муносабат, берилган ваъдани бажариш, кеч қолиш мумкин эмаслиги ва бошқалар) асосий ва белгиловчи бўлиши керак?

- А) хотиннинг ҳаётий принциплари.
- Б) одатда хотиннинг, лекин баъзида эрнинг ҳам.
- В) одатда эрнинг, лекин баъзида хотиннинг ҳам.
- Г) эрнинг ҳаётий принциплари.

13. Оилада кичик болаларнинг хулқини ким назорат қилиши керак?

- А) асосан бу ишни хотин бажаради.
- Б) кўпроқ хотин, баъзан эр ҳам.
- В) кўпроқ эр, баъзан хотин ҳам.
- Г) асосан бу ишни эр бажаради.

14. Оилада болалар билан кинога, театрға, циркка, сайлга ва бошқаларга ким бориши керак, деб ўйлайсиз?

- А) асосан бу ишни эр бажаради.
- Б) кўпроқ эр, лекин хотин ҳам.
- В) кўпроқ хотин, лекин эр ҳам.
- Г) асосан бу ишни хотин бажаради.

15. Оилада ким ўз турмуш ўртоғининг кайфиятига кўпроқ даражада эътибор бериши керак, деб ўйлайсиз?

- А) эр.
- Б) кўпроқ эр, лекин хотин ҳам.
- В) кўпроқ хотин, лекин эр ҳам.
- Г) хотин.

16. Тасаввур қилинг: эр ва хотин иккаласида ҳам ўз ишини ойлик маоши катта, лекин қизиқарсиз ишга ўзгартириш имконияти пайдо бўлиб қолса, ким бундай таклифни биринчи навбатда қабул қилган бўлар эди деб ҳисоблайсиз?

- А) хотин қабул қилади.
- Б) эрдан кўра тезроқ хотин қабул қилади.
- В) хотиндан кўра тезроқ эр қабул қилади.
- Г) эр қабул қилади.

17. Ҳар кунлик харид билан оилада ким шуғулланиши керак?

- А) асосан эр.
- Б) кўпроқ эр, лекин хотин ҳам.
- В) кўпроқ хотин, лекин эр ҳам.
- Г) асосан хотин.

18. Агар оилада моддий қийинчилик пайдо бўлса, эр ва хотиндан қайси бири кўшимча даромад топиш чорасини излаши керак деб ҳисоблайсиз?

- А) бу ишни эр бажаради.
- Б) биринчи навбатда эр, лекин хотин ҳам бунда иштирок этади.
- В) биринчи навбатда хотин, лекин эр ҳам бунда иштирок этади.
- Г) бу ишни хотин бажаради.

19. Оилада эр ва хотиндан қайси бири турмуш ўртоғининг бефарқлиги, эътиборсизлиги, ноўрин гапларидан ҳафа бўлишига кўпроқ ҳақли?

- А) эр.
- Б) хотиндан кўра кўпроқ эр.
- В) эрдан кўра кўпроқ хотин.
- Г) хотин.

20. Оилада отпусканини (меҳнат таътилини) қаерда ва қандай қилиб ўтказишни ким режалаштириши керак деб ҳисоблайсиз?

- А) асосан хотин.
- Б) кўпроқ хотин, лекин эр ҳам иштирок этади.
- В) кўпроқ эр, лекин хотин ҳам иштирок этади.
- Г) асосан эр.

21. Оилада уйга маиший хизмат вакиллари (ҳар хил ремонт усталарини) ким чақириб, улар билан гаплашиши керак деб ҳисоблайсиз?

- А) одатда бу ишни хотин бажаради.
- Б) кўпроқ хотин, лекин баъзан эр ҳам.
- В) кўпроқ эр, лекин баъзан хотин ҳам.
- Г) одатда бу ишни эр бажаради.

ОРТ (РРС) Оилада роллар тақсимои методикасининг калити:
Саволлар: 1, 4, 5, 6, 8, 10, 11, 14, 15, 17, 18, 19
Баллар: 1 → 4

Саволлар: 2, 3, 7, 9, 12, 13, 16, 20, 21
Баллар: 4 → 1

- 1) (9+13+14):3 -бола тарбияси
- 2) (2+15+19):3 -оиладаги эмоционал иқлим «Психотерапия»
- 3) (18+3+16):3 -оиланинг моддий таъминланиши
- 4) (20+8+4):3 -кўнгил очишларни ташкил қилиш
- 5) (17+5+21):3 -уй соҳиби ва соҳибаси
- 6) (10+6+11):3 -жинсий шериклик
- 7) (1+7+12):3 -оиладаги ички маданиятни уюштириш.

Тадқиқот ишида эр ва хотин иштирок этиши зарур ҳисобланади. Шу орқали уларнинг ҳар бирининг оиладаги роллар тақсимои ҳақидаги фикрларини билиб олиш ҳамда берилган саволларга уларнинг жавобларини таққослаш мумкин бўлади. Баллар йиғиндиси қанчалик юқори бўлса, оиладаги мазкур рол ижроси аёл томонидан, баллар йиғиндиси қанчалик паст бўлса эр томонидан амалга оширилади. Агар баллар йиғиндиси ўртача бўлса, мазкур рол ижроси эр ва хотин ўртасида бир хилда тақсимланади.

Назорат саволлари

1. Оилавий роллар тақсимои деганда нимани тушунаси?
2. ОРТ тести кимларда ўтказилади?
3. Методика нечта саволдан иборат ?
4. Методика оиладаги қандай ролларни аниқлаб беради?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шоумаров Ғ.Б. ва б. Оила психологияси. - Т.: "Sharq", 2001 у.-272 б.
2. Эйдемиллер Э.Г., Добряков И.Б., Никольская И.М. Семейный диагноз и семейная психотерапия. Учеб. пособие для врачей и психологов. СПб.: Речь, 2003. 336 с.
3. Алешина Ю.Е. Индивидуальное и семейное психологическое консультирование. – М.: Класс, 2004.
4. Осипова А.А. Общая психокоррекция. Учеб. пособие. М.: СФЕРА, 2002 г. 510 с.
5. Шапарь В.Б. Практическая психология. Психодиагностика отношений между родителями и детьми. – Ростов н/Д: Феникс, 2006.– 432 с. С 370
6. Эйдемиллер Э.Г. Методы семейной диагностики и психотерапии: Методическое пособие. – М.: 1996.

2- амалий машғул

Оила психодиагностикасида сўровномалардан фойдаланиш (4 соат)

Ишдан мақсад: Оилавий ҳаётга муносабатни ўрганиш. Оила расми. Ота-она ва болалар ўртасидаги муносабатлар диагностикаси. Ота-оналик установкаларини ўрганиш.

ОИЛАВИЙ ҲАЁТДАН ҚОНИҚИШ СЎРОВНОМАСИ

В.В.Столин, Т.М.Раманов, Г.Г.Бутенко

Қўлланма: Ҳар бир тасдиқни диққат билан ўқинг ва учта вариантдан бирини танланг. Мавҳум бўлган «айтиш қийин», «аниқ жавоб бера олмайман» каби жавобларни четлаб ўтишга ҳаракат қилинг. Саволларга иложи борица тез ўйламасдан жавоб беришга ҳаракат қилинг.

1. Одамлар бир-бирлари билан оилавий ҳаётда бўлгани каби яқин яшасалар, бир-бирларини тушунишлари ва идрок қилишлари сустлашади.

- а) тўғри
- б) унчалик эмас
- в) нотўғри

2. Сизнинг оилавий ҳаётингиз сизга;

- а) хавотирлик ва азоб беради
 - б) жавоб беришга қийналаман
 - в) қувонч ва қониқиш беради
3. Дўст ва қариндошларингиз сизнинг оилавий ҳаётингизни қандай баҳолайдилар деб ҳисоблайсиз?
- а) қониқарли
 - б) ўртача
 - в) қониқарсиз.
4. Агар сизнинг қўлингизда бўлса;
- а) турмуш ўртоғингизнинг характеридаги кўп хислатларни ўзгартирган бўлардингиз
 - б) жавоб бериш қийин
 - в) Сиз ҳеч нарсани ўзгартирмаган бўлардингиз.
5. Ҳозирги замонавий оилавий ҳаётнинг асосий муаммоларидан бири ҳамма нарсанинг шу жумладан, эр-хотинлик муносабатларининг ҳам жонга тегишидир
- а) тўғри
 - б) жавоб беришга қийналаман
 - в) нотўғри
6. Ўзингизнинг оилавий ҳаётингизни дўстларингиз ва танишларингиз ҳаёти билан солиштирганингизда, нимани ҳис қиласиз:
- а) ўзингизни бошқалардан бахтсиз
 - б) жавоб беришга қийналасиз
 - в) ўзингизни бахтли ҳис қиласиз.
7. Оиласиз, турмуш ўртоқ ва яқин кишисиз мустақил бўлиб яшаш, жуда қимматга тушган бўлар эди.
- а) тўғри
 - б) жавоб бериш қийин
 - в) нотўғри
8. Сизсиз турмуш ўртоғингизнинг ҳаёти қизиқарсиз бўларди деб ўйлайсиз;
- а) ҳа тўғри
 - б) жавоб бериш қийин
 - в) нотўғри
9. Кўпчилик одамлар никоҳга тааллуқли кутишларда адашадилар.
- а) тўғри
 - б) жавоб бериш қийин
 - в) нотўғри
10. Кўпгина турли шарт-шароитлар сизга ажралиш ҳақида ўйлашингизга ҳалақит беради (берган).
- а) тўғри
 - б) жавоб бериш қийин
 - в) нотўғри
11. Агар сизнинг турмуш қурган вақтга қайтаришнинг ва турмуш ўртоғини қайта танлашнинг иложи бўлганда, сиз

- а) ҳозирги турмуш ўртоғингиздан бошқасига
 - б) жавоб бериш қийин
 - в) балки шу турмуш ўртоғингизга турмушга чиққан бўлардингиз.
12. Сиз шундай турмуш ўртоғингиз борлиги билан фахрланасиз.
- а) тўғри
 - б) жавоб бериш қийин
 - в) нотўғри
13. Афсуски, турмуш ўртоғингизнинг камчиликлари унинг яхши фазилатларидан кўп.
- а) тўғри
 - б) жавоб бериш қийин
 - в) нотўғри
14. Оилавий ҳаётингизнинг бахтли бўлишига асосан ҳалақит беради;
- а) турмуш ўртоғингизнинг характери
 - б) жавоб бериш қийин
 - в) айб ўзимда
15. Турмуш қуриш пайтидаги ҳиссиётларингиз;
- а) кучайди
 - б) жавоб бериш қийин
 - в) камайди
16. Оилавий ҳаёт одамнинг ижодий ишлашларига тўсқинлик қилади
- а) тўғри
 - б) жавоб бериш қийин
 - в) нотўғри
- Турмуш ўртоғингизнинг шундай бир ҳислатлари борки, улар камчиликларини “ювиб” кетади дейиш мумкинми
- а) тўғри
 - б) ўртача
 - в) нотўғри
17. Сизнинг оилавий ҳаётингизда бир-бирини қўллаб-қувватлаш йўқ.
- а) тўғри
 - б) жавоб бериш қийин
 - в) нотўғри
18. Сизга турмуш ўртоғингиз тез-тез ва нотўғри ишларни ноўрин ҳазиллар ва нотўғри гапиргандек туюлади.
- а) тўғри
 - б) жавоб беришга қийналаман
 - в) нотўғри
19. Оилавий ҳаётингиз сизнинг хоҳиш ва иродангизга боғлиқ эмас.
- а) тўғри
 - б) жавоб бериш қийин
 - в) нотўғри
20. Сизнинг оилавий муносабатингиз турмушингизга сиз кутган тартиб ва сокинликни олиб келмади.
- а) тўғри

- б) жавоб беришга қийналаман
 в) нотўғри
 21. Айнан оилада киши ҳурмат қозона олмайди деганлар ноҳақдирлар.
 а) тўғри
 б) жавоб бериш қийин
 в) нотўғри
 22. Одатда турмуш ўртоғингиз билан муносабатингиз сизни қониқтиради (қониқтирган).
 а) тўғри
 б) жавоб бериш қийин
 в) нотўғри
 23. Тўғриси айтганда, оилавий ҳаётингизда бирорта ҳам ёруғ кунингиз бўлмаган.
 а) тўғри
 б) жавоб бериш қийин
 в) нотўғри.

КАЛИТ

№	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Жавоб	в	в	а	в	в	в	а	а	в	в	в	а
№	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24
Жавоб	в	в	а	в	а	в	в	в	в	а	а	в

Балларни ҳисоблаш: калитга тушган жавобларга - 2 балл,

Мавҳум жавобга - 1 балл,

Калит билан мос тушган жавоблар - 0 балл,

Ҳомаки баллар 48дан 0 гача бўлиши мумкин.

Натижалар таҳлили

Баллар йиғиндисининг қанчалик юқори бўлиши оилавий ҳаётдан қониққанлик даражаси шунчалик юқори эканлигини билдиради.

0-16 баллар - оилавий ҳаётдан қониққанлик жуда паст даражада, умуммман муваффақиятсиз муносабатлар, бахтсизлик.

17-18 баллар - оилавий ҳаётдан қониққанлик паст даражада, муваффақиятсиз муносабатлар.

23-26 баллар - оилавий ҳаётдан қониққанлик даражаси пасайиши кузатилади, муносабатларда қийинчиликлар мавжуд.

27-28 баллар - оилавий ҳаётдан қониқиш ўртача даражада.

29-32 баллар - оилавий ҳаётдан қониқиш ўртачадан юқори дааражада.

33-38 баллар - оилавий ҳаётдан қониқиш юқори даражада.

39-48 баллар – оилавий ҳаётдан тўла қониқиш мавжудлигини билдиради.

Назорат саволлари

- Оилавий ҳаётдан қониқиш деганда нимани тушунаси?
- “Оиладан қониққанлик” методикаси муаллифи ким саналади?
- Оила диагностикасида қандай методикалар фарқланади?
- Оила расми қандай методика?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шоумаров Ғ.Б. ва б. Оила психологияси. - Т.: “Sharq”, 2001 у.-272 б.
2. Эйдемиллер Э.Г., Добряков И.Б., Никольская И.М. Семейный диагноз и семейная психотерапия. Учеб. пособие для врачей и психологов. СПб.: Речь, 2003. 336 с.
3. Алешина Ю.Е. Индивидуальное и семейное психологическое консультирование. – М.: Класс, 2004.
4. Осипова А.А. Общая психокоррекция. Учеб. пособие. М.: СФЕРА, 2002 г. 510 с.
5. Шапарь В.Б. Практическая психология. Психодиагностика отношений между родителями и детьми. – Ростов н/Д: Феникс, 2006.– 432 с. С 370
6. Эйдемиллер Э.Г. Методы семейной диагностики и психотерапии: Методическое пособие. – М.: 1996.

3- амалий машғул

Оила социограммаси (2 соат)

Ишдан мақсад: Оиладаги шахслараро муносабатларни ўрганишда оила социограммаси методини қўллаш.

“ОИЛА СОЦИОГРАММАСИ” ПРОЕКТИВ МЕТОДИКАСИ

“Оила социограммаси” методикаси Э.Г.Эйдемиллер томонидан таклиф этилган бўлиб, расмий проектив методикалар сирасига киради. Ушбу методика орқали оиладаги шахслараро муносабатлар тизимида субъектнинг ўрни ва оиладаги коммуникациянинг қай даражада эканлигини ўрганиш мумкин (Э.Г. Эйдемиллер, О.Б.Черемисин, 1990; Э.Г.Эйдемиллер, Системная семейная психотерапия, 2002;).

Синалувчига диаметри 11 см бўлган доира туширилган оқ қоғоз ва қуйидагича кўрсатма берилади: “Сизнинг олдингиздаги варақда доира расми келтирилган. Доира ичига ўзингизни ва оила аъзоларингизни доирачалар шаклида жойлаштиринг ва уларнинг номларини ёзиб қўйинг”. Оиланинг барча аъзолари топшириқни бир-бирлари билан маслаҳатлашмасдан бажаришлари зарур.

Натижалар қуйидаги мезонлар бўйича баҳоланади:

1. Доира ичидаги оила аъзоларининг сони;
2. Доирачалар ҳажми;
3. Доирачаларнинг бир-бирига нисбатан жойлашиши;
4. Улар орасидаги масофа.

Биринчи мезон бўйича оила аъзоларининг ҳақиқий сони расмдаги доирачалар сони билан таққосланади. Субъект кўпинча низода бўладиган оила аъзосини расмда қолдириб кетиши мумкин, кўпинча синалувчи уни “эсидан чиқариб” қолдиради. Шу билан бирга доира ичида оила аъзоси сифатида ташқаридан кимдир ёки қандайдир предмет, синалувчи учун аҳамиятли бўлган бирон нарса ёки севимли уй ҳайвони расмда ўз аксини топиши мумкин.

Сўнгра иккинчи мезонга, доирачалар ҳажмига эътибор қаратилади. “Мен” дорачасининг бошқа доирачалардан катталиги синалувчининг ўзига нисбатан эътибор, баҳосининг юқорилигидан, кичиклиги эса - ўзига нисбатан баҳоси, эътиборнинг пастлигидан далолат беради. Бошқа оила аъзолари доирачаларининг катта-кичиклиги синалувчи учун уларнинг аҳамиятлилик даражасини ёки синалувчи уларни қандай идрок қилишини кўрсатади.

Учинчи мезонда синалув майдонидаги доирачаларнинг бир-бирига нисбатан жойлашувига эътиборни қаратиш зарур. Синалувчининг ўз доирачасини марказга қўйиши шахсининг эгоцентрик йўналганлигини, ёки аксинча ўзини барча оила аъзоларидан қуйида жойлаштириши рад этилганлик ҳиссини билдиради.

Синалувчи учун аҳамиятли бўлган оила аъзоси расмда бошқа оила аъзоларига қараганда каттароқ доира шаклида бўлиб, синов майдончасининг марказида ёки юқорисида, ўз доирачасига яқин жойлаштирилган бўлади.

Тўртинчи мезон, бу доирачалар орасидаги масофанинг таҳлили. Агар доирачалар бир-биридан анча узоқда жойлаштирилган бўлса, бу оилада тез-тез келишмовчиликлар бўлиб туришини англатади. Доирачаларнинг бир-бирига қўшилиб ёки бир-бирининг устидан чизилиб кетиши оиладаги симбиоз алоқаларнинг мавжудлигини билдиради.

Юқорида келтирилган барча мезонлар тўлиқ ўрганилиб оиладаги муносабатлар, субъектнинг оиладаги ўрни, унга аҳамиятли бўлган оила аъзоси ва бошқалар ҳақида хулоса чиқарилади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Оила социограммаси нимани ўрганади?
2. Оила социограммаси методикаси муаллифи ким?
3. Оила социограммаси қандай методика саналади?
4. Методиканинг афзалликлари нимада?


Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шоумаров Ғ.Б. ва б. Оила психологияси. - Т.: “Sharq”, 2001 у.-272 б.
2. Эйдемиллер Э.Г., Добряков И.Б., Никольская И.М. Семейный диагноз и семейная психотерапия. Учеб. пособие для врачей и психологов. СПб.: Речь, 2003. 336 с.
3. Алешина Ю.Е. Индивидуальное и семейное психологическое консультирование. – М.: Класс, 2004.
4. Осипова А.А. Общая психокоррекция. Учеб. пособие. М.: СФЕРА, 2002 г. 510 с.
5. Шапарь В.Б. Практическая психология. Психодиагностика отношений между родителями и детьми. – Ростов н/Д: Феникс, 2006.– 432 с. С 370
6. Эйдемиллер Э.Г. Методы семейной диагностики и психотерапии: Методическое пособие. – М.: 1996.

1.1-1.3 балл- «қониқарли»
 0- 1,0 балл- «қониқарсиз»

1-ТОПШИРИҚ

“КИЧИК ГУРУХЛАРДА ИШЛАШ” МЕТОДИ



2-ТОПШИРИҚ

“ТОИФАЛАШ”

НУТҚ БУЗИЛИШЛАРИГА ЭГА БОЛАЛАР МОТОРИКА ХУСУСИЯТЛАРИ		
Умумий моторика	Майда қўл моторика	Артикуляцион моторика

КЕЙСЛАР БАНКИ

Микрокейс-1

Гуруҳимдаги К.исмли қизнинг ота-онаси билан тортишиб қолдим. Улар доим менинг машғулоти ўтишим, болаларга қилган муносабатимдан нолишади. К.ни бошқа гуруҳга ўтказиш учун мудирага мурожаат қилмоқчиман.

Саволлар:

1. Тарбиячининг ижтимоий-психологик характеристикасини беринг.
2. Тарбиячига ота-она, тарбияланувчи ўртасидаги муносабатнинг характериға таъсир қилган омилларни аниқланг.

Микрокейс-2

Гуруҳимдаги айрим ота-оналарнинг фарзандларини ҳаддан зиёд кеч олиб кетишлари натижасида уйга кеч қайтаман. Шу сабаб уйга кеч қайтаман. Кўпгина уй-рўзгор ишларини қилишаг ҳам улғурмай қоляпман. ишларимга Бу ҳолатлар турмуш ўртоғимнинг жаҳлини чиқарди. Бир куни болалардан бирини уйга олиб кетишга мажбур бўлдим. У боланинг отаси келганида турмуш ўртоғим боланинг отаси билан қаттиқ тортишиб қолди. Сўнгра менга ҳам боғчада ишламаслик талабини қўйди. Мен ишимни роса яхши кўраман, гуруҳимдаги болалар ҳам менга роса ўрганиб қолишган. Нима қилишимни бу фикрларни турмуш ўртоғимга қандай тушунтиришни билмаяпман.

Саволлар:

- 1.Тарбиячи қандай йўл тутгани маъқул (психолог сифатида маслаҳат беринг)?_____
 - 2.Ота-оналарга фарзандларига нисбатан масъулиятли бўлишни қандай тушунтириш даркор? Ўз фикрингизни асосланг.
-

Микрокейс-3

Гуруҳимдаги Санжар исмли болани негадир ҳеч ёқтирмайман. Унинг ота-онаси билан ҳам оддий масалаларда тортишиб қолавераман. Санжарнинг қилиқлари ҳам машғулоти давомида ўзини тутиши ҳам менининг жаҳлимни чиқаради. Бошқа гуруҳга ўтказиш учун мудирага кирганимда бунинг ҳозирча иложиси йўқлигини айтди.

Саволлар:

- 1.Тарбиячининг ижтимоий-психологик характеристикасини беринг.
- 2.Тарбиячига ота-она, тарбияланувчи ўртасидаги муносабатнинг характериға таъсир қилган омилларни аниқланг.

Микрокейс-4

Гуруҳ тарбияланувчиларидан айримлари ювиниш хонасини тартибсиз ҳолатга келтирганликлари учун тарбиячи уларни жазолаш мақсадида тушлик

пайтида турғизиб қўйди. Болалардан бирининг отаси эртароқ олиб кетиш учун келиб қолди ва тарбиячи билан қаттиқ тортишиб қолди.

Саволлар:

- 1.Сизнингча тарбиячининг бу усулитўғримиди?
2. Тарбиячининг бундай йўл тутишига нималар сабаб бўлган бўлиши мумкин?
- 3.Бундай вазиятда сиз қандай иш тутган бўлардингиз?

Микрокейс-5

Тушлик пайтида ётоқхонада Т ва К исмли болалар номақбул қилиқлар қилди. Гуруҳдаги болалар бу вазият ҳақида тарбиячига хабар етказишди. Болаларнинг бундай номаъқулчиликлари биринчи бор эмаслиги аниқланди.

Саволлар:

- 1.Сизнингча тарбиячи нима қилиши керак?
- 2.Болаларнинг ота-онаси билан суҳбатни қандай амалга ошириши керак?
- 3.Болаларининг бундай йўл тутишига нималар сабаб бўлган?

Микрокейс-6

Гуруҳда майда ўғирлик ҳолатлари содир этила бошланди. Болалар бунда Г.исмли қизни айбдор деб кўрсатишди. Қизча суҳбат давомида ўғирлик қилмаганлигини таъкидлади. Аммо унинг чўнтагидан йўқолган кичкина ўйинчоқ топилди.

Саволлар:

- 1.Сизнингча, тарбиячи бундай вазиятда қандай йўл тутиши керак?
- 2.оланинг бундай ҳулқига нималар сабаб бўлган деб ўйлайсиз?
- 3.Психолог бундай вазиятда қандай метод ва техникалардан фойдаланган холда коррекцион ишларни амалга оширади?

Микрокейс-7

Гуруҳдаги Р.исмли бола ҳеч ким билан келиша олмайди. Доим кимнидир хафа қилади. Гуруҳдаги болалар ҳам уни ёқтиришмайди. Сайрга чиқишда ҳеч қайси бола у билан ҳамроҳ бўлишни истамайди.

Саволлар:

- 1.Боланинг бундай ҳулқига нималар сабаб бўлган деб ўйлайсиз?
- 2.Психолог гуруҳдаги вазиятни самарали ташкил этиш учун нималар қилиши керак?
3. Бундай вазиятда сиз ўзингизни қандай тутган бўлардингиз?

Микрокейс-8

Мудира тарбиячиларга йиғилишда мурожаат қилиб, “Йиллик тадбирлар режасини тузишимиз керак, ўйлаб кўриб, таклифингизни айтинглари. Уни муҳокама қилиб, кейинги мажлисида тасдиқлаймиз.”-деди.

Саволлар:

- 1.Тадбирлар режасини тузаётганда ходимлар билан маслаҳатлашиш шартми?
- 2.Мудира раҳбарликнинг қайси усулидан фойдаланди?
- 3.Бундай ёндошувни ўз нуқтаи назарингиздан баҳолаг.

Микрокейс-9

Қисмли бола машғулотдажуда лойдан кунт билан, сифатли қилиб буюм ясади. Бундан ўзи ҳам хурсанд бўлди. Тарбиячи эса унга эътибор бермади. Бундан тарбияланувчининг кайфияти бузилди. Ахир у бошқаларга ўзининг яхши ишлай олишини кўрсатиб қўймоқчи эди-ку?!Бирданига бундай бефарқлик...

Саволлар

1. Тарбиячининг бундай ҳаракатини психологик нуқтаи назардан қандай баҳолаш мумкин?
2. Тарбиячининг коммуникатив қобилиятига тавсиф беринг.

Микрокейс-10

Ота-оналар мажлисга келган ота: «Мени фақат 10 минут вақтим бор холос. Хўш, ўғлим безорилик қилмаяптими, овқатини еяптими,-демак, хайр.» Тарбиячи ҳайрон бўлади: «Нимага камдан-кам ота-оналар болаларининг боғчада овқатланишинигина суриштиришади. Ўртоқлари уни ҳурмат қиладими, унинг ўзи хушмуомалами, машғулотларга қизиқадими, гуруҳда таълимий ишлар тўғри ташкил этилганми, камчиликлар йўқми, биргаликда қандай ишларни олиб бориш мумкин?» -деб сўрамайдилар.

Саволлар:

- 1.Тарбиячининг ҳайрон бўлишини сиз қандай баҳолайсиз.
- 2.Ота-оналар билан ишлаш бўйича тажрибангизни қисқача баён этинг.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

Мустақил таълим мавзулари

1. Оила психологиясининг ўрганадиган соҳаси.
2. Оила психологиясининг предмети.
3. Оила психологиясининг вазифалари.
4. Оила психологиясининг фан ичидаги ва фанлараро алоқалари.
5. Оила психологиясининг ривожланиши.
6. Оила психологиясининг мустақил фан сифатида шаклланиши.
7. XX асрда оила психологиясининг ривожланиши.
8. Оилада соғлом психологик иқлимнинг шартлари
9. Ҳозирги замонда оила ривожланиши тенденцияси.
10. Оилада болага тарбиявий таъсирнинг тактикалари

ГЛОССАРИЙ

Оила психологияси- фан сифатида оиланинг ижтимоий институт мақомидаги фаолиятининг объектив қонуниятларини, оила-никоҳ ҳамда қариндош-уруғчилик муносабатларининг механизмлари ва турмуш тарзига оид конкрет вазиятларда оила аъзолари ижтимоий ҳуқуқининг намоён бўлишини ўрганади.

Оила – бу жамиятнинг ячейкаси (кичик ижтимоий гуруҳ), ер-хотинлик ҳамда ота-оналик муносабатларини тиклаш орқали шахсий турмуш тарзини ташкил етишнинг муайян кўриниши.

Никоҳ - эр-хотин ва бошқа яқин қариндошлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга соладиган ижтимоий институт.

Патриархал оила – бир еркак кишининг бир ёки бир нечта аёл ўртасидаги никоҳига асосланган бўлиб, бунда еркакнинг ҳуқуқлари хотинникидан кўпроқ бўлган, никоҳнинг бу шакли айни хусусий мулкчилик ривожланган даврларда кенг тарқалган.

Моногам оила – бир еркак ва бир аёл жуфтлиги ўртасидаги никоҳ муносабатларини назарда тутди. Уларнинг ер-хотинлик муносабатлари ҳам умрбод ҳисобланган (қадимги грек сўзларидан олинган: “монос” – бир, ягона, танҳо; “гамос” – никоҳ маъносини билдиради).

Оиланинг рекреатив функцияси - ўзаро жисмоний, моддий, маънавий ва психологик ёрдам кўрсатиш, бир-бирибинг саломатлигини мустаҳкамлаш, оила аъзолари дам олишини ташкил етиш.

Оиланинг коммуникатив функцияси - оила аъзоларининг ўзаро мулоқот ва ўзаро тушунишга бўлган еҳтиёжини қондириши.

Оиланинг репродуктив функцияси – фарзандларни дунёга келтириш, авлодлар давомийлигини таъминлаш.

Патриархал моногам оила – оиладаги еркак кишининг нуфузи, йетакчилик роли, хотиннинг унга, фарзандларнинг ота-онага тобелигини назарда тутди.

Детоцентрик оила – бола манфаатига йўналган оила

Оила энергетикаси - оиланинг тиббий-биологик хусусиятларидан тортиб, унинг психологик мавжудлигини белгиловчи омиллар, экологик шарт-шароитлардан бошлаб, тирикликнинг мезонлари бўлмиш овқатланиш ҳамда ҳар бир оила аъзосининг хатти-ҳаракатларининг намоён бўлиши.

Оилавий муносабатлар тизими –оила аъзоларининг муайян роллар доирасида у ёки бу ҳолатларда ўзлигини намоён этиши ёки ижроси емас, балки, бу ҳар бир оилага хос бўлган ўзаро муносабатлар “харитаси”дир.

Оиланинг функционал хусусиятлари – бу оила аъзолари ўртасидаги муносабатларнинг сифатий тарафлари.

Оиланинг чегараси ва ҳудуди - оиланинг бошқа социомаданий муҳит вакиллари билан алоқаси, уларга боғлиқлиги даражаси.

Ижтимоий компетентлик – ижтимоий муносабатларда фаоллик кўрсатиш кўникма, малакаларига эгаллик, касбий фаолиятда субъектлар билан мулоқотга кириша олиш

Оила психологияси – психология фанининг ўзига хос махсус тармоғи бўлиб, унда психик ва жамият тараққиёти қонунлари ўрганилади.

Ижтимоий тасаввурлар – шахсга жамият орқали таъсир етган нарса ва ходисаларнинг яққол образи.

Контент-анализ – текширилаётган матнда сўз, ибора, абзацларни маъно-моҳиятини такрорланиш даражасига қараб таҳлил этиш усули.

Конформизм - бу реал ёки тасаввурлардаги гуруҳнинг шахс ётиқоди ва ҳулқ-атворига таъсирини тушунтирувчи ходисадир.

Мулоқот шакллари – бевосита ва бавосита тур бўлиб, юзма-юз ёки восита орқали амалга ошириш кўзда тутилади.

Муомала – икки ёки ундан ортиқ одамларнинг ўзаро бир-бирига таъсир этиши.

Оила – турмуш қуриш, қариндош-уруғчилик асосидаги кичик гуруҳ.

Референт гуруҳ – жамоа ёки гуруҳ орасида ўз таъсирига ега шахс ёки гуруҳнинг мавжуд бўлиши.

Тест – синалувчини текшириш жараёнида махсус қўлланиладиган методлардан бири бўлиб, бу метод орқали аниқ бир психологик хусусият аниқланади.

Ўз устида ишлаш – шахс ёки мутахассис томонидан ўзини ижтимоий ҳамда касбий жиҳатдан ривожлантириш, камолотга эришиш йўлида мақсадли, изчил, тизимли ҳаракатларнинг ташкил этиши

Ўзини ўзи баҳолаш (ЎЎБ) – шахснинг ўз-ўзини таҳлил қилиши орқали ўзига баҳо бериши

Ўзини ўзи таҳлил қилиш – педагог томонидан касбий фаолиятда ташкил этаётган ўз амалий ҳаракатлари моҳиятининг ўрганилиши

Ўз-ўзини ривожлантириш – шахснинг ўзида касбий тажриба, малака ва маҳоратни такомиллаштириш йўлида аниқ мақсад ва пухта ўйланган вазифалар асосида мустақил равишда амалий ҳаракатларни ташкил этиши

Фикрлаш маданияти – педагогнинг мавжуд педагогик вазиятларни инобатга ола билиши, уларнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда тўғри қарорлар қабул қилиши ва уларни амалиётга самарали тадбиқ эта олишини ифодаловчи сифат

Ҳис этиш маданияти – педагогик маданиятнинг таркибий элементларидан бири бўлиб, у педагог томонидан таълим жараёни иштирокчиларининг ички кечинмалари, ҳис-туйғулари, ўй-фикрларини тушуна олиши, улар билан самарали мулоқотни ташкил этишини билдиради

Шахс ижтимоийлашуви - инсон томонидан ижтимоий тажрибани егаллаш ва ҳаёт - фаолият жараёнида уни фаол тарзда ўзлаштириш жараёнидир.

Шахсий компетентлик – изчил равишда касбий ўсишга эришиш, малака даражасини ошириб бориш, касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини намоён қилиш

Экстралингвистик тизим (ингл. “exterior” – “ташқарида”, нем. “linguistik” – “тил”) – гапираётган шахснинг ижтимоий вазифалари билан бевосита боғлиқ ҳолда нутқнинг ташкил этилиши (нутқий танаффуслар, кулгу, йўталиш, нафас олиш, йиғлаш, тутилиш ва б.)ни ифодаловчи тизим

Экстремал компетентлик – фавқулотда вазиятлар (табiiй офатлар, технологик жараён ишдан чиққан)да, педагогик низолар юзага келганда оқилона қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эгалик.

Эр-хотин муносабатлари – бу қарама-қарши жинсдаги, етук ёшли, яқин қардошлик ришталари билан боғлиқ бўлмаган ва биргаликда турмуш кечиришни ихтиёр қилган кишилар муносабатларидир.

Кризис (грекча *крисис* - ечим, қайтарилиши жойи) – инқироз, тинч турган жойда тартибнинг бузилиши, бирор нарсада тўсатдан кучли қўзғалиш, оғир ўтиш даври, бирор масалада кучли қийинчиликка дуч келиш демакдир.

Деструктив (вайрон қилувчи) – оилавий муносабатларда интизомий бузулишга етаклаб боровчи ва унинг мавжудлигига хавф солувчи;

Конструктив (бунёд қилувчи) – оилани янги поғонага ўтишида потенциал имкониятларни қўллашни ўз ичига олади;

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Махсус адабиётлар

1. Каримова В. Оила психологияси: Педагогика олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. – Т.: 2008 – 152 б.
2. Шоумаров Ғ.Б. ва б. Оила психологияси. - Т.: “Sharq”, 2001 у.-272 б.
3. Андреева Т.В. Семейная психология. – СПб.: Речь, 2004.-244 с.
4. Карабанова О.А. Психология семейных отношений и основы семейного консультирования: Учебное пособие. М.: Гардарики, 2005. 320 с.
5. Шнайдер Л.Б. Семейная психология: Учебное пособие для вузов. 2-е изд. М.: Академический проект. 2006. – 768 с.
6. Эйдемиллер Э.Г., Добряков И.Б., Никольская И.М. Семейный диагноз и семейная психотерапия. Учеб. пособие для врачей и психологов. СПб.: Речь, 2003. 336 с.
7. Алешина Ю.Е. Индивидуальное и семейное психологическое консультирование. – М.: Класс, 2004.
8. Шоумаров Ғ.Б Шоумаров Ш.Б. Мухаббат ва оила. – Тошкент, «Ибн Сино», 1994 й. 120с.
9. Каппенберг Р.П. Семейное кризисы // Психологическая энциклопедия. Изд. 2-е / Под ред. Р. Корсини, А. Ауэрбаха. – СПб.: 2003. – С. 795-796.
10. Осипова А.А. Общая психокоррекция. Учеб. пособие. М.: СФЕРА, 2002 г. 510 с.
11. Ғайибова Н.А. “Ўсмир сиблинг мақомининг тенгқурлари билан бўладиган шахслараро муносабатларга таъсири”. Монография Т.: -2016.
12. Шапарь В.Б. Практическая психология. Психодиагностика отношений между родителями и детьми. – Ростов н/Д: Феникс, 2006.– 432 с. С 370
13. Эйдемиллер Э.Г. Методы семейной диагностики и психотерапии: Методическое пособие. – М.: 1996.
14. Думитрашку Т.А. Влияние внутрисемейных факторов на формирование индивидуальности // Вопросы психологии. 1991. № 1.
15. Голод С.И. Семья и брак: Историко-социологический анализ. – СПб.: 1998 г.
16. Бейкер К. Теория семейных систем М. Боуэна //Вопросы психологии. 1991. № 6.

Электрон таълим ресурслари:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуотмаркази сайти: www.press-service.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: www.gov.uz
Ахборот-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme www.lugat.uz, www.glossaiy.uz
3. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: www.uz
4. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
5. www.press-uz.info
6. <http://www.uforum.uz/>
7. Ахборот resurs markazi <http://www.assc.uz/>
8. <http://www.xabar.uz>
9. www.ziyonet.uz
10. www.edu.uz
11. www.pedagog.uz
12. www.tdpu.uz